

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқукида

УДК:

Қувватов Хуснидин

**Итларда йирингли жарохатлар, этиопатогинези ва уларни даволашни
такомиллаштириш.**

5А 440109 – Кинология мутахасислиги

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган д и с с е р т а ц и я

Илмий раҳбар,

доцент

Ниёзов Ҳ.Б.

Самарқанд -2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I. боб. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	10
1.1.Итларда учрайдиган жароҳатлар таснифи.....	
1.2.Итларда учрайдиган йирингли жароҳатлар касалликларининг этиологияси, патогенези, клиник белгилари, даволаш ва олдини олиш	
I. боб бўйича хулоса.....	2
II.боб АСОСИЙ ҚИСМ.....	32
2.1. Илмий тадқиқот натижалари, таърифи ва таҳлили.....	32
2.3 Самарқанд вилояти хизмат итларини сақланиши, озикланиши, умумий дрессировкаси, уларда йирингли жароҳатларни келтириб чиқарувчи экологик омиллар ва уларнинг учраш даражаси	
2.3.1. Хизмат итларини сақланиши, озикланиши ва умумий дрессировкаси ...	
2.3.2.Итларда йирингли жароҳатларни келтириб чиқарувчи этиологик омиллар ва уларнинг учраш даражаси.....	
2.4. Итларда йирингли жароҳатларни даволашни такомиллаштириш.....	36
2.4.1. Жароҳатдаги клинико-морфологик ўзгаришлар.....	36
2.4.2.Қоннинг морфологик кўрсаткичлари.....	
2.5. Ишнинг иқтисодий самарадорлиги.....	
II боб бўйича хулоса.....	39
III. боб.Тадқиқот натижалари бўйича мулоҳазалар...	
III.боб бўйича хулоса	49
Хулоса.....	59
Амалий тавсиялар.....	80
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	61
Илова.....	68

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади деб таъкидлади.

Хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмида тўғридан-тўғри инвестициялар қарийб 69 фоизни ташкил этиши ва уларнинг ҳажми 2014 йилда 22,4 фоизга ортиши алоҳида эътиборга лойиқ.

Бу йил умумий қиймати 4 миллиард 400 миллион доллар бўлган 150 дан ортиқ йирик ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш кўзда тутилган.

Шулар қаторида «Дехқонобод калийли ўғитлар заводининг ишлаб чиқариш қувватини 200 минг тоннадан 600 минг тоннага ошириш», «Хоразм вилоятида «Дамас» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш», «Жиззах вилоятида 760 минг тонна портландцемент ёки 350 минг тонна оқ цемент ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш», «Ўзбекистон-Хитой газ қувурининг учинчи тармоғини қуришни ниҳоясига етказиш», «Шўртан ва Алан конларини ободонлаштириш ва компрессор станциясини барпо этиш» бўйича ва бошқа муҳим лойиҳаларни ниҳоясига етказиш мўлжалланмоқда.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

2014 йилга мўлжалланган кенг кўламли дастурий мақсад ва вазифалар ислохотларимизни янада чуқурлаштириш, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши йўлида ғов бўлиб турган муаммоларни ечиш учун бор куч ва

имкониятларимизни сафарбар этишни талаб қилиши ҳақида бугун гапириб ўтиришнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Бу ўринда сўз, биринчи навбатда, мамлакатимизда том маънодаги рақобат муҳитини шакллантириш ҳақида бормоқда. Маълумки, бундай муҳит ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш ва модернизация қилиш, жаҳон бозорларига чиқиш йўлида ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Бугун шуни тан олишимиз керакки, бу йўналишда амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар замонавий талабларга ҳали-бери тўлиқ жавоб бермайди.

Биз ҳанузгача эскича фикрлаш қолипидан чиқа олмаяпмиз, ўз умрини ўтаб бўлган, эски ва яроқсиз планли-тақсимот тизими қолдиқлари, афсуски, бутунлай барҳам топгани йўқ. Кескин рақобат шароитида солиқ имтиёзлари ва протекционистик чоралар ҳисобидан яшаш мумкин, деган нотўғри қараш миямизга чуқур ўрнашиб қолган.

Бундай чоралар, аввало, корхоналар манфаатига зарар етказиб, уларнинг даромадини камайтириш билан бирга, давлат бюджетига сезиларли равишда зиён етказиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Энг муҳими, ҳар қандай имтиёз ва преференциянинг умри узоқ эмаслигини эсимиздан чиқармаслигимиз зарур.

Фақат шундай имтиёз ва преференцияларга таяниб қолган корхоналар очик иқтисодиёт шароитида хорижий компаниялар билан нафақат ташқи, балки ички бозорда ҳам рақобатлаша олмайди.

Ўйлайманки, бу масала бўйича тушунтириш ва изох бериб ўтиришнинг даври ўтди, эскича бошқариш қолиплари ва усулларида қутула олмаётган раҳбарлардан қатъий воз кечадиган вақт келди. Бугун ҳаётнинг ўзи корхона ва бирлашмаларни бошқаришда замонавий фикрлайдиган, пухта тайёргарликка эга бўлган менежерларга таянишни талаб этмоқда.

Ҳеч кимга сир эмаски, ишлаб чиқариш харажатларининг юқори экани, тайёрланаётган маҳсулотларнинг материал ва энергияни кўп талаб қилиши ва аввало иқтисодиёт реал сектори тармоқларининг технологик жиҳатдан қолоқлиги бугунги кунда рақобатдошликни оширишда жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Юртимиздаги 500 дан ортиқ реал сектор корхонасида ишлатилаётган 160 мингдан зиёд ускуна бўйича ўтказилган техник аудит натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ана шу ускуналарнинг 30 фоиздан ортиғи эскириб кетган. Жумладан, электр техника саноатида ускуналарнинг 44 фоизи, машинасозлик тармоғида 37 фоизи, кимё саноатида 21 фоизи, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 20 фоизи, озиқ-овқат саноатида 19 фоизи, енгил саноатда 8 фоизи эскирган.

2009-2013 йилларда самарасиз ишлаётган 172 та корхона тижорат банклари балансига ўтказилди. Уларнинг 112 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тикланди ва янги мулкдорларга сотилди. Банклар балансида қолган корхоналарнинг 43 тасида эса ишлаб чиқариш фаолияти тикланди, яна 17 та корхонада бу борада иш олиб борилмоқда.

Ана шу корхоналарда модернизация ва ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш жараёнларини амалга ошириш учун 316 миллиард сўм ҳажмидаги инвестиция киритилди ва бунинг натижасида 9 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда 140 дан ортиқ корхона зарар кўриб ишламоқда. Уларнинг 67 таси йирик корхоналар бўлиб, 10 таси саноат соҳасига, жумладан, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё, электр техника ва фармацевтика саноати тармоқларига тегишлидир. Масалан, Тошкент трактор заводи, “Агрегат заводи”, “Чирчиққишлоқмаш”, “Ўзпахтамаш” очик акциядорлик жамиятлари оғир молиявий аҳволга тушиб қолган.

“Самарқанд кимё заводи”, “Жиззах пластмасса” очик акциядорлик жамиятлари каби йирик кимё саноати корхоналари, шунингдек, мамлакатимизда турли ёритиш воситаларига эҳтиёж катта эканига қарамадан, Тошкент шаҳридаги “Оникс” очик акциядорлик жамиятида ҳам аҳвол қониқарли эмас.

Коммунал соҳада 26 та зарар кўриб ишлаётган корхона, шу билан бирга, йўл қурилиши соҳасида 13 та иқтисодий ночор корхона мавжуд экани ҳам ташвиш уйғотади.

- диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги;

Жароҳат тўғрисидаги таълимот кўп асрлик тарихга эга бўлиб, уй ҳайвонларида очик механик шикастланишларни инсонлар қадим замонлардан бошлаб даволаганлар. Жароҳат жуда кўп тарқалган тўқималарни шикастланишларидан бири ҳисобланади.

Жароҳат(vulnus) - тери, шиллик пардалар ва чуқур жойлашган тўқима ва органларнинг очик шикастланиши бўлиб, у оғрик, тўқималар бирлигининг қочиши, функциянинг бузилиши ва қон оқиши билан характерланади. (К.И. Шакалов. 1986й).

Жароҳат тури ва жойлашишига қараб юқорида кўрсатилган белгилар клиник нуқтаи назардан кўпроқ ёки озроқ намоён бўлиши мумкин.

Тери қавати эпидермисининг енгил шикастланиши тирналиш дейилади. Жароҳатланиш деганда тўқималарнинг қайси буюм билан шикастланиши тушунилади.

Жароҳатнинг ўзи жароҳат четлари, девори, туби ва бўшлиқдан иборат.

Жароҳат четлари теридан, жароҳат девори мушаклардан, фасциялардан ва улар орасида жойлашган юмшоқ бириктирувчи тўқимадан ташкил топган бўлади. *Жароҳат туби* – жароҳатнинг энг чуқур қисми ҳисобланиб, у ўз навбатида жароҳатланиш даражасига қараб турли тўқималардан ташкил топган бўлади. *Жароҳат деворлари* оралиғи жароҳат канали дейилади.

Одатда у отилган ва санчилган жароҳатларда канали эгри ва чуқур бўлади, юза жойлашган жароҳатларда эса канал бўлмайди.

Жароҳат четлари оралиғи эса жароҳатнинг тешигини ташкил қилади. Унинг шакли ва катталиғи жароҳат характериға боғлиқ бўлади. Жароҳат тешиги овалсимон, айланма, учбурчакли, юлдузсимон ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин.

Барча турдаги ҳайвонлар каби итларда ҳам турли хил касалликлар учраб, амалиётга катта иқтисодий зарарни келиб чиқишиға сабаб бўлмоқда.

К.И. Шакалов 1981 йил, Т.С. Кузнецов 1980 маълумотларига кўра, ички юқумсиз касалликлар барча турдаги касалликларға нисбатан 94-97% ни ташкил қилиб, шулардан 40% хирургик касалликларға тўғри келади.

Санчилган ва ўқ теккан жароҳатлар эгра канал ва жароҳат тешиги ҳосил қилади. Агар жароҳатда кириш ва чиқиш тешиги бўлса уни елвизакли жароҳат, агар жароҳатдан бир томони бирор бир бўшлиққа туташса уни ўтиб борувчи жароҳат деб айтилади.

Жароҳат ҳосил бўлганда кучли оғриқ кузатилади, аста-секин патологик жараён ривожланади ва шунинг билан бирға озроқ маҳаллий ва умумий функция бузилиши ва захарли инфекцион кўриниш ривожланиб, жароҳат касаллигини келтириб чиқаради.

Жароҳат тўқима нуқсони бўлиб, механик таъсуротлар натижасида ҳосил бўлади, бунда тери, тери ости тўқималари ва чуқурда жойлашган тўқималар зараланади, бунинг оқибатида кучли қўзғалиш бўлади. Бунда марказий нерв системаси, бош мия пўстлоғи бундан ташқари гипоталамус-гипофиз, буйрак ости пўстлоғи қўзғалади. Бунинг оқибатида анатомик маҳаллий ва физиологик умумий ўзгаришлар келиб чиқади. Ҳозирги вақтда шу нарса аниқландики, жароҳат процессида маҳаллий ва умумий организмнинг реакцияси организмда келиб чиққан жароҳатларнинг оғирлигига, тўқима ва органларнинг зарарланиши ва шу билан бирға жароҳат инфекциясинингтури ва верулентлигига боғлиқ бўлади. (В.В.Плахотин. 1997 й).

Организмнинг умумий ва маҳаллий реактивлиги, таъсир қиладиган факторларни бартараф қилинишига боғлиқ бўлади. Агар кучли қўзғатувчи факторлар кучи пасайтирилса, у нейрогуморал системасига ва организмнинг умумий ҳолатига таъсир қилади. Бу эса организмнинг умумий ҳолатини яхшилади ва жароҳатни нормал битишини таъминлайди. Шунинг учун жароҳатни фақат маҳаллий бўзилиш деб қарамаслик керак, балки бунда озми кўпми бутун организм қатнашади. Шунинг учун жароҳат процессини жароҳат касаллиги деб қараш керак. Бундан шу нарса келиб чиқадики, жароҳатни даволаш фақат маҳаллий бўлмасдан балки умумий бўлиши керак. (Ф.А. Калашник, 1988й).

Жароҳат касаллиги кўйидаги ҳолларда яхши намоён бўлади яъни у жароҳатда ўлган тўқималар кўп бўлса, кўп қон оқиш бўлганда, йиринг ҳосил бўлганда, йиринг ва бошқа суюқликларни жароҳатдан оқиши қийин бўлганда, жароҳатда бўшлиқ бўлганда ва жароҳат инфекцияси ривожланганда. Бунда умумий ҳарорат ошади, ҳолсизланиш, иштаҳанинг пасайиши, овқат ҳазм қилиш органлари функцияси пасайиши, жароҳат атрофида некроз ва шишнинг ҳосил бўлиши кўзатилади. Жароҳат процессининг асосини яллиғланиш ташкил этади, бундан ташқари ўлган тўқималарни ажралиши, ҳосил бўлган нуқсоннинг ёпилиши ва тикланиш функцияси билан характерланади. Бунда бирламчи тортилиш билан битиш асептик яллиғланиш билан кечади ва иккиламчи тортилиш билан битиш эса йирингли яллиғланиш билан кечади. (Тимофеев С.В. ва бошқалар, 2007)

Жароҳат касаллигининг кечиши шикастланган жойнинг катталигига, жароҳат инфекциясининг характериға, қон кетиш кўп ёки озлиги, организмнинг ҳолатига ва унинг реактивлигига боғлиқ бўлади. Жароҳат касаллиги қачонки жароҳатда кўп эзилган тўқималар ва кўп миқдорда микроблар бўлса оғриқ кечади.

Агар жароҳатланиш туфайли бирон-бир орган ёки тананинг айрим қисми бутунлай тешиб ўтган бўлса бундай жароҳат икки тешикли жароҳат дейилади. Масалан яғир жароҳати, бўйин, сон, кўкрак ва ҳоказо. Бу

жароҳатларда кириш ва чиқиш тешиги бўлади. Агар жароҳатловчи предмет фақат анатомик бўшлиққа кириб қолса (бўйин капсуласи, плевра, қорин) бундай жароҳат кириб борувчи жароҳат ҳосил қилиб, улар фақат кириш тешигига эга бўлади. (В.В.Плахотин 1997; И.А. Калашников 1985 ; К.И. Шакалова 1988, И.А. Калашников 1988 г)

Шунинг учун ҳам жароҳатни келтириб чиқарувчи минтақамизга ҳос бўлган этиологик омилларни янада чуқурроқ ўрганишга, унинг организмга таъсирини, қоннинг морфологик кўрсаткичларини ўрганиш, олдинги ўрганилган илмий ишлар билан ҳозирги ишларни ўзаро солиштириб таққослаб ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади

- тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши; Итларда йирингли жароҳатларни келтириб чиқарувчи омиллар ва уларни кечишидаги ўзига ҳос хусусиятларни ўрганиш борасидаги ва йирингли жароҳатларни учраш даражасига оид илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида қошидаги ветеринария клиникасида, институт виварийсида, Шаҳар ветеринария бўлимида, Вилоят патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида сақланаётган хизмат итларида ва вилоят марказий шифохонаси лабораториясида 2012-2014 йилларда ўтказилди.

Дастлаб вилоятимизда итлар орасида йирингли жароҳатлар билан касалланиш даражаси ўрганилди. Итлар орасида йирингли жароҳатларни келтириб чиқарувчи минтақавий хусусиятларга эга бўлган омилларни ўрганиш ва ташхис усулларини ишлаб чиқиш мақсадида режали хирургик диспансерлаш ўтказилди. Режали диспансерлаш йилига икки марта ўтказилади. Бунда итларнинг сақлаш ва озикланиш шароитлари, рацион таҳлили, клиник текширишлар, қон намуналарини лаборатор текширишлар ёрдамида итларда йирингли жароҳатлар билан касалланиш даражаси, клиник касал итлар миқдори аниқланди. Клиник текширишларда итларнинг

умумий аҳволи, иштаҳаси, кўз шиллиқ пардаларнинг ҳолати, тана ҳарорати, пульси, нафас олиши, уларнинг танасида ҳосил бўлган йирингли жароҳатларнинг характери, оғриқ сезиш натижалари аниқланди. Итлар орасида йирингли жароҳатлар билан касалланган итларда касалликнинг этиопатогенезини ўрганиш мақсадида касалланган итлар ажратилиб, клиник, бактериологик, тамға олиш усулларидадан фойдаланилди.

Тажрибалар олти бош итда олиб борилди. Бунинг учун итларнинг сон областига сунъий равишда жароҳат ҳосил қилинди. Итларда ҳосил қилинган жароҳатларда йиринг ҳосил бўлгандан кейин даволаш муолажалари қўлланилди. Бунда итлар икки гуруҳга ажратилиб, алоҳида - алоҳида сақланди.

Биринчи гуруҳ ҳайвонлари жароҳатлари механик тозаланиб, атрофига 5 % ли йод эритмаси суркалди, жароҳат ичи 1:5000 нисбатдаги фурациллин эритмаси билан ювилиб, қуритилиб, Вишневский линименти суртилди, сўнгра жароҳат атрофига 500000 ТБ пенициллин, 0,5 % ли новокаида эритилиб инъекция қилинди.

Худди шундай иккинчи гуруҳ ҳайвонларининг ҳам жароҳатларига механик ишлов берилиб, жароҳат атрофига 5 % ли йод эритмаси суркалди. Жароҳат ичи 1:5000 нисбатдаги фурациллин эритмаси билан ювилиб, қуритилиб, жароҳатнинг гидротация даврида Вишневский малҳами суртилди, сўнгра жароҳат атрофига 500000 ТБ пенициллин, 0,5 % ли новокаида эритилиб инъекция қилинди. Жароҳатнинг иккинчи дегидротация даврида левамикол линименти суртилди. Даволаш муолажалари кунига 1 марта қўлланилди.

- тадқиқот мақсади ва вазифалари; Итларда йирингли жароҳатларининг этиологияси, ривожланиши, эколого-морфологик асоси, келтириб чиқарадиган зарари, диагностикасини ўрганиш, даволашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш ишнинг асосий мақсадини ташкил этади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қўйидаги илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш вазифа қилиб олинди

1. Итларда йирингли жароҳатларининг учраш даражасини аниқлаш.
2. Итларда учрайдиган жароҳатларни даволашни самарали усулларини излаб топиш.
3. Хизмат итларида жароҳатларни этиопатогинези, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари такомиллаштириш.

- тадқиқотнинг асосий мақсадлари ва фаразлари;

- мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили; Тасодифий ва отилган жароҳатларни ўз вақтида хирургик ишлов бермаслик натижасида жароҳатда йирингли яллиғланиш ривожланади ва организмда маҳаллий ва умумий ҳарорат кўтарилади, организмнинг умумий ҳолати бузилиб йирингли резорбтив иситма кузатилиши мумкин.

Бундай жароҳатларнинг биринчи фазасида комплекс даволаш усули амалга оширилади, бунда биринчи навбатда организмни инфекциядан халос қилинади, бунда кимёвий, физик ва биологик антисептика қўлланилади. Бунда ўлган тўқималар кесиб олинади, чўнтак ва ўйиқлар очилади, зарур бўлса кераклича жароҳат кенгайтирилади. Қон тўхтагандан кейин дори кукунлари, линиментлар ёки гипертоник эритмалар билан дренаж қўйилади. Жароҳатнинг иккинчи фазасида вишневский линименти, ксероформ малҳами қўлланилади. Агар гарнуляция оқиш рангда бўлса оксидловчи дорилар, агар катта донадор қизил рангда бўлса, ишқорловчи дорилар қўлланилади.

Юқоридаги даволаш усуллари қилинмаса аэроб микроорганизмлар ривожланиб жароҳат атрофи шишади, жуда кучли оғриқ пайдо бўлади, ўлган тўқима ва йиринг кўп тўпланади, чўнтак ва ўйиқлар ҳосил бўлади. Бундай ҳайвоннинг иштаҳаси пасаяди. Кавшовчи ҳайвонлар кавшаши камаяди, сут бериш камаяди, ҳарорат 2°C га ошади. Агар жароҳатда анаэроб инфекция ривожланса, унда газли флегмона ёки анаэроб гангрена ривожланади.

Жароҳатда ҳосил бўладиган грануляцион тўқимани Б.М. Оливков (1954) микроорганизмлар учун қалқон эканлигини, керак бўлса микроорганизмларни фагоцитоз қилиб йўқ қилиб юбориши мумкин, деб тушунтиради. Чунки жароҳатнинг битишида соғлом грануляцион тўқима муҳим аҳамият касб этади.

Жароҳат деффе́кти грануляцион тўқима билан тўлгандан кейин, жароҳат юзасига тери эпителияси ўса бошлайди ва чандиқ ҳосил қилади. Концентри́к чандиқ ҳосил бўлиш жараёни асосан чуқур жараёнларда, юзаки эпителизация эса унча чуқур бўлмаган юзаки жароҳатларда кузатилади, деб таъкидлайди Н.И. Краузе. Йирингли жароҳатларни даволашда грануляцион тўқиманинг ўсиши муҳим аҳамиятга эга, чунки барча даволаш муолажалари жароҳатдан тезроқ ўлган тўқималарни, йирингни чиқариб юбориш ва грануляцион тўқиманининг ўсишига қаратилган.

Жароҳатни даволашда кўп олимлар, жумладан Б.М. Оливков ҳам жароҳат муҳитини қислителидан ишқорий муҳитга ўтказиш билан даволаш муддатини қисқартириш мумкин, деган фикрни илгари сурган.

Умуман олганда жароҳатни даволашда қулай ва осон усулларни ишлаб чиқиш бўйича бир қанча илмий изланишлар олиб борилган, олинган натижалар амалиётга тадбиқ этилиб келинмоқда. (Кузнецов Т.С. 1980; Шакалов К.И. 1981; В.В. Плахотин 1997; К.И. Шакалова 1988; И.А. Калашников 1988)

Жароҳат чақирувчи предметлар ва уларнинг характерларига – таъсир механизмига қараб бир қанча турларга бўлинади. Шу билан бирга турли жароҳатлар бир-бирига ўхшаш умумий белгиларга эга бўлсада, шу билан бирга улар бир-биридан фарқланади ва ўз хусусиятларига эга бўлади.

Тўқималарнинг таранглик кучи турлича бўлганлиги туфайли биринчи навбатда юмшоқ тўқималар йиртилади, мускуллар кейин фасция, пайлар ва ниҳоят энг қаттиқ тери йиртилади.

Химиявий антисептика қуйидагиларни ўз ичига олади. Бунда жароҳатни 3% водород пероксиди суюқлиги ва фурацилин 1:5 минг нисбатдаги

эритмаси калий перманганат 2% эритмаси хлоромин 2% эритмаси билан ювилади ва сульфанамид препарати сепилади. Вишневский эмульсияси суртилади. Химиявий антисептика қуйидагиларни ўз ичига олади. Бунда жароҳатни 3% водород пероксиди суюқлиги ва фурацилин 1:5 минг нисбатдаги эритмаси калий перманганат 2% эритмаси хлоромин 2% эритмаси билан ювилади ва сульфанамид препарати сепилади. Вешновский эмульсияси суртилади. (<http://webmvc.com/bolezni/livestock/surgeon/vulnus.php>)

Итларни бир-бирини тишлаши натижасида келиб чиқадиган жароҳатлар ўта хавфли бўлиб, бунинг оқибатида тўқималар механик шикастланади. Кучли қон оқиши кузатилади жароҳат инфекция билан зарарланади. Хатто қутуриш инфекцияси билан ҳам зарарланиши мумкин. (<http://forum.alaskanmalls.ru/index.php?topic=1106.0>)

Ҳайвонларда жароҳатлар лат ейиш, кесилиш, санчилиш ,йиқилиш ва тишлаш натижасида келиб чиқади. Бунда биринчи ёрдам қон тўхтатишга қаратиш керак. Бунинг учун стерил тампон жароҳатга босилади ва яхшилаб боғлаб ташланади. Оёқларда жароҳат ҳосил бўлганда қон оқиши кучли бўлади, бунда оёқда жугут боғлаб қўйиш керак ва тампон билан перивация қилинади. (<http://www.zooclub.ru/horses/33.shtml>)

Ҳайвонларда жароҳатларни йиртилиш, ёрилиш, кесилиш ва санчилган ҳолатларда кузатиш лозим. Йиртилиш ва ёрилишда уч хил бўлиши мумкин ва бунда қон томирлари шикастланишлари мумкин. Юзаки жароҳатлар антисептик дорилар билан ювилади. Чуқур жароҳатлар бўлганда антисептик дорилар билан ювилиш ярамайди, чунки антисептик дорилар бактериялар билан бирга соғлом ҳужайраларни ҳам ўлдиради. Бу эса микроорганизмлар учун озуқа муҳитини яратади. (<http://kazequestrian.org/articles.php?lng=ru&pg=406>)

Итларда турли ҳилдаги механик омиллар таъсирида кесилган, санчилган, чопилган жароҳатлар ҳосил бўлиб, кинология маркази питомникларига катта иқтисодий зарар етказмоқда.

Жароҳатнинг этиологияси, патогенези, биологияси, битиши, даволаш ва олдини олиш бўйича бир қанча олимлар илмий ишларни бажарганлар, олинган маълумотлар амалиётга кенг тадбиқ қилинмоқда.

Жароҳат деффекти грануляцион тўқима билан тўлгандан кейин, жароҳат юзасига тери эпителияси ўса бошлайди ва чандиқ ҳосил қилади. Концентрик чандиқ ҳосил бўлиш жараёни асосан чуқур жараёнларда, юзаки эпителизация эса учун чуқур бўлмаган юзаки жароҳатларда кузатилади, деб таъкидлайди Н.И. Краузе. Йирингли жароҳатларни даволашда грануляцион тўқиманинг ўсиши муҳим аҳамиятга эга, чунки барча даволаш муолажалари жароҳатдан тезроқ ўлган тўқималарни, йирингни чиқариб юбориш ва грануляцион тўқиманининг ўсишига қаратилган.

Жароҳатни даволашда кўп олимлар, жумладан Б.М. Оливков ҳам жароҳат муҳитини кислоталидан ишқорий муҳитга ўтказиш билан даволаш муддатини қисқартириш мумкин, деган фикрни илгари сурган.

Умуман олганда жароҳатни даволашда қулай ва осон усулларни ишлаб чиқиш бўйича бир қанча илмий изланишлар олиб борилган, олинган натижалар амалиётга тадбиқ этилиб келинмоқда.

- тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи; Ҳамма босқичдаги тажрибаларда қон таркибидаги эритроцитлар ва лейкоцитлар сони, периферик қондан тайёрланган суртмаларда лейкоформула, қондаги гемоглобин миқдори текширилди.

Ишларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда олди олинган зарар, ветеринария тажрибалари учун харажатлар ва харажатлар қоплами, клиник ва лаборатория текшириш натижалари ҳисобга олинади.

- тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти; Йирингли жароҳат билан касалланган итларни текшириш натижалари уларга эртачи босқичларда ташхис қўйиб аниқлашга имкон беради, олинган маълумотлар клиник ўқитиш жараёнида қўлланиши мумкин.

Текширишларнинг асосий натижалари 2013-2014 йилларда бўлиб ўтган СамҚХИ илмий ва халқаро конференциясида тақдим этилди.

- **тадқиқотнинг илмий янгилиги;** - Вилоятимиздаги мавжуд кинология марказларида ва аҳоли қарамоғида сақланаётган иларда йирингли жароҳатларни келтириб чиқарувчи ўзига хос минтақавий хусусиятларга эга бўлган омиллар;

- итларда турли хилдаги отитларнинг ўзига хос кечиш хусусиятлари;

- итларда йирингли жароҳатларни тарқалиши, зотга ва жинсга боғлиқ кечиш хусусиятлари ;

- йирингли жароҳатларни даволашнинг турли усуллари қиёсий баҳолаш ва йирингли жароҳатларнинг босқичларига боғлиқ ҳолда даволаш усуллари қиёсий самарадорлиги аниқлаш ўрганилди.

- **диссертация таркибининг қисқача тавсифи;** Диссертация ишибетларда компьютер ёзувида берилган ва унинг таркибига 3 та бобдан иборат. Унга кириш, адабиётлар шарҳи, тадқиқотлар объекти ва услублари, тажрибаларнинг натижалари, тадқиқот натижалари бўйича мулоҳазалар, хулоса, амалий тавсия, та жадвал вата адабиётлардан ташкил топган ва адабиётлар рўйхатидан иборат хусусий тадқиқотлар киради.

I. боб. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

1.1.Итларда учрайдиган жароҳатлар таснифи

Жароҳат тўғрисидаги таълимот кўп асрлик тарихга эга бўлиб, уй ҳайвонларида очик механик шикастланишларни инсонлар қадим замонлардан бошлаб даволаганлар. Жароҳат жуда кўп тарқалган тўқималарни шикастланишларидан бири ҳисобланади. (К.И. Шакалов. 1986й).

Жароҳат(vulnus) - тери, шиллик пардалар ва чуқур жойлашган тўқима ва органларнинг очик шикастланиши бўлиб, у оғрик, тўқималар бирлигининг қочиши, функциянинг бузилиши ва қон оқиши билан характерланади. (В.В.Плахотин. 1997 й).

Жароҳат тури ва жойлашишига қараб юқорида кўрсатилган белгилар клиник нуқтаи назардан кўпроқ ёки озроқ намоён бўлиши мумкин.

Тери қавати эпидермисининг енгил шикастланиши тирналиш дейилади. Жароҳатланиш деганда тўқималарнинг қайси буюм билан шикастланиши тушунилади.

Жароҳатнинг ўзи жароҳат четлари, девори, туби ва бўшлиқдан иборат.

Жароҳат четлари теридан, жароҳат девори мушаклардан, фасциялардан ва улар орасида жойлашган юмшоқ бириктирувчи тўқимадан ташкил топган бўлади. *Жароҳат туби* – жароҳатнинг энг чуқур қисми ҳисобланиб, у ўз навбатида жароҳатланиш даражасига қараб турли тўқималардан ташкил топган бўлади. *Жароҳат деворлари* оралиғи жароҳат канали дейилади. (Ф.А. Калашник, 1988й).

Одатда у отилган ва санчилган жароҳатларда канали эгри ва чуқур бўлади, юза жойлашган жароҳатларда эса канал бўлмайди.

Жароҳат четлари оралиғи эса жароҳатнинг тешигини ташкил қилади. Унинг шакли ва катталиғи жароҳат характериға боғлиқ бўлади. Жароҳат тешиги овалсимон, айланма, учбурчакли, юлдузсимон ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин.

Санчилган ва ўқ теккан жароҳатлар эгра канал ва жароҳат тешиги ҳосил қилади. Агар жароҳатда кириш ва чиқиш тешиги бўлса уни елвизакли жароҳат, агар жароҳатдан бир томони бирор бир бўшлиққа туташса уни ўтиб борувчи жароҳат деб айтилади.

Жароҳат ҳосил бўлганда кучли оғриқ кузатилади, аста-секин патологик жараён ривожланади ва шунинг билан бирга озроқ маҳаллий ва умумий функция бузилиши ва захарли инфекцион кўриниш ривожланиб, жароҳат касаллигини келтириб чиқаради.

Жароҳат тўқима нуқсони бўлиб, механик таъсуротлар натижасида ҳосил бўлади, бунда тери, тери ости тўқималари ва чуқурда жойлашган тўқималар зараланади, бунинг оқибатида кучли қўзғалиш бўлади. Бунда марказий нерв системаси, бош мия пўстлоғи бундан ташқари гипоталамус- гипофиз, буйрак ости пўстлоғи қўзғалади. Бунинг оқибатида анатомик маҳаллий ва физиологик умумий ўзгаришлар келиб чиқади. Ҳозирги вақтда шу нарса аниқландики, жароҳат процессида маҳаллий ва умумий организмнинг реакцияси организмда келиб чиққан жароҳатларнинг оғирлигига, тўқима ва органларнинг зарарланиши ва шу билан бирга жароҳат инфекциясининг тури ва верулентлигига боғлиқ бўлади. .(В.В.Плахотин 1997; И.А. Калашников 1985 ;К.И. Шакалова 1988,И.А. Калашников 1988 г)

Организмнинг умумий ва маҳаллий реактивлиги, таъсир қиладиган факторларни бартараф қилинишиға боғлиқ бўлади. Агар кучли қўзғатувчи факторлар кучи пасайтирилса, у нейрогуморал системасига ва организмнинг умумий ҳолатига таъсир қилади. Бу эса организмнинг умумий ҳолатини

яхшилайди ва жароҳатни нормал битишини таъминлайди. Шунинг учун жароҳатни фақат маҳаллий бўзилиш деб қарамаслик керак, балки бунда озми кўпми бутун организм қатнашади. Шунинг учун жароҳат процессини жароҳат касаллиги деб қараш керак. Бундан шу нарса келиб чиқадики, жароҳатни даволаш фақат маҳаллий бўлмасдан балки умумий бўлиши керак.

Жароҳат касаллиги қўйидаги ҳолларда яхши намоён бўлади яъни у жароҳатда ўлган тўқималар кўп бўлса, кўп қон оқиш бўлганда, йиринг ҳосил бўлганда, йиринг ва бошқа суюқликларни жароҳатдан оқиши қийин бўлганда, жароҳатда бўшлиқ бўлганда ва жароҳат инфекцияси ривожланганда. Бунда умумий ҳарорат ошади, ҳолсизланиш, иштаҳанинг пасайиши, овқат ҳазм қилиш органлари функцияси пасайиши, жароҳат атрофида некроз ва шишнинг ҳосил бўлиши кўзатилади. Жароҳат процессининг асосини яллиғланиш ташкил этади, бундан ташқари ўлган тўқималарни ажралиши, ҳосил бўлган нуқсоннинг ёпилиши ва тикланиш функцияси билан характерланади. Бунда бирламчи тортилиш билан битиш асептик яллиғланиш билан кечади ва иккиламчи тортилиш билан битиш эса йирингли яллиғланиш билан кечади. (В.В.Плахотин 1997; И.А. Калашников 1985 ;К.И. Шакалова 1988,И.А. Калашников 1988 г)

Жароҳат касаллигининг кечиши шикастланган жойнинг катталигига, жароҳат инфекциясининг характериға, қон кетиш кўп ёки озлиги, организмнинг ҳолатига ва унинг реактивлигига боғлиқ бўлади. Жароҳат касаллиги қачонки жароҳатда кўп эзилган тўқималар ва кўп миқдорда микроблар бўлса оғриқ кечади.

Жароҳатнинг асосан 3 хил тури маълум:

- 1) Операцион
- 2) Тасодифий
- 3) Отилган

Охириги 2 та жароҳат тури ҳамма вақт ифлосланган бўлади, яъни кўп миқдорда микроблар бўлади ва ўлган тўқималар ҳам кўп бўлади. Операцион жароҳатлар тоза асептик бўлади, улар бирламчи тортилиш билан қисқа вақт

ичида битади, йиринг ҳосил қилмайди ва унда ўлган тўқималар ҳам бўлади. Агар инфекцион ўчоқларда операция ўтказилса масалан абсцесс ёки флегмонада унда ўлган тўқима кўп ёки кам бўлади, бундай жароҳатлар иккиламчи тортилиш билан битади.

Тасодифий ва отилган жароҳатлар уларни келтириб чиқарадиган жисмлар хилига ва механизмига қараб бўлинади; санчилган, кесилган, чопилган, эзилган, лат еган, йиртилган, тишланган ва захарланган жароҳатларга бўлинади.

Санчилган жароҳат(*vulnus punctum*)- ўткир ёки ўтмас жисмлар таъсирида (мих, сим, темир бўлаги, тахта) келиб чиқади. Санчилган жисм ўткир учи билан терини ва тери ости тўқималарини йиртади ва канал ҳосил қилади. Санчилган жароҳат эгри канал ҳосил қилади ва у бирор бўшлиққа тушиши мумкин. Санчилган жароҳатни ёмонлиги шундан иборатки, унда жароҳат туби чуқур бўлади, шунинг учун у ерга тушган микроблар ташқарига экссудат билан чиқиши қийин бўлади ва у ерга оғир асоратлар келтириб чиқаради. (В.В.Плахотин 1997; И.А. Калашников 1985 ;К.И. Шакалова 1988,И.А. Калашников 1988 г)

Кесилган жароҳат (*vulnus incisum*)- ўткир жисм таъсирида келиб чиқади, яъни операция вақтида ёки тасодифий, унда жароҳат четлари , девори яққол намоён бўлади ва ўлган тўқима кўп бўлмайди. Қанчалик кесадиган жисм ўткир бўлса, шунча кам тўқима ўлади ва шунча тез жароҳат битади.

Чопилган жароҳат (*vulnus caesum*)-чопадиган жисмнинг ўткир ёки ўтмаслигига қараб кам ёки кўп тўқима зарарланиши мумкин. Агар ўтмас жисм билан жароҳат ҳосил қилинса унда лат ейиш ва чайқалиш белгилари кўзатилади. Қон оқиш кесилган жароҳатга қараганда кам кўзатилади. Чопилган жароҳатда бузилиш суяккача бориши мумкин. Четларни қочиши ва чуқурлиги кўпроқ кўзатилади.

Лат еган жароҳат (*vulnus contusum*) – ўтмас жисм билан кучли ўрилиш натижасида ҳосил бўлади. Куч таъсир қилинган жойда тери йиртилади,

тўқима мускуллар эзилади ва суяклар синиши мумкин. Қон оқиш кам кўзатилади ёки умуман бўлмайди. Четларнинг қочиши камроқ кўзатилиб, кейинроқ мускулларнинг қисқариши билан кенгаяди.

Йиртилган жароҳат (*vulnus laceratum*)- ўткир учли жисмлар, йирткич ҳайвонларнинг тирноқлари, темир илгаклари, тахта сихлари ва бошқалар таъсирида юзага келади. Тўқималар турли хилда бўлади шунинг учун мускуллар, фасциялар, пайлар осон йиртилади. Бунинг оқибатида жароҳатда маълум бир форма бўлмайди, жароҳат девори ва тубида ўлган тўқималар кўп бўлади. .(В.В.Плахотин 1997; И.А. Калашников 1985 ;К.И. Шакалова 1988,И.А. Калашников 1988 г)

Химиявий антисептика қуйидагиларни ўз ичига олади. Бунда жароҳатни 3% водород пероксиди суюқлиги ва фурацилин 1:5 минг нисбатдаги эритмаси калий перманганат 2% эритмаси хлоромин 2% эритмаси билан ювилади ва сульфанамид препарати сепилади. Вешновский эмульсияси суртилади. 1. Химиявий антисептика қуйидагиларни ўз ичига олади. Бунда жароҳатни 3% водород пероксиди суюқлиги ва фурацилин 1:5 минг нисбатдаги эритмаси калий перманганат 2% эритмаси хлоромин 2% эритмаси билан ювилади ва сульфанамид препарати сепилади. Вешновский эмульсияси суртилади.(<http://webmvc.com/bolezni/livestock/surgeon/vulnus.php>)

Ҳайвонларни бир-бирига тишлаш натижасида келиб чиқадиган жароҳатлар ўта ҳавфли бўлиб, бунинг оқибатида тўқималар механик шикастланади. Кучли қон оқиши кузатилади жароҳат инфекция билан зарарланади. Хатто қутуриш инфекцияси билан ҳам зарарланиши мумкин.

(<http://forum.alaskanmalls.ru/index.php?topic=1106.0>)

Отларда жароҳатлар лат ейиш, кесилиш, санчилиш ва тишлаш натижасида йиқилиш келиб чиқади. Бунда биринчи ёрдам қон тўхтатишга қаратиш керак. Бунинг учун стерил тампон жароҳатга босилади ва яхшилаб боғлаб ташланади. Оёқларда жароҳат ҳосил бўлганда қон оқиши кучли

бўлади, бунда оёқда жугут боғлаб қўйиш керак ва тампон билан перивация қилинади. (<http://www.zooclub.ru/horses/33.shtml>)

Отларда жароҳатларни йиртилиш, ёрилиш, кесилиш ва санчилган ҳолатларда кузатиш лозим. Йиртилиш ва ёрилишда уч хил бўлиши мумкин ва бунда қон томирлари шикастланишлари мумкин. Юзаки жароҳатлар антисептик дорилар билан ювилади. Чуқур жароҳатлар бўлганда антисептик дорилар билан ювилиш ярамайди, чунки антисептик дорилар бактериялар билан бирга соғлом ҳужайраларни ҳам ўлдиради. Бу эса микроорганизмлар учун озуқа муҳитини яратади. (<http://kazequestrian.org/articles.php?lng=ru&pg=406>)

Эзилган жароҳат (*vulnus conquassatum*)- нихоятда кучли куч таъсирида масалан занжирли тракторлар, ёки машиналар босганда тери ва мускулларни эзиб йиртиб ташлайди. Қон оқиш кўзатилмайди сабаби томирлар ёрилади ва тез тромб ҳосил бўлади. Оғриқ кам кўзатилади сабаби нерв толалари эзилади. Бу жароҳатда микроблар ривожланади.

Тишланган жароҳатлар (*vulnus morsum*)- уй ва ёввойи ҳайвонларни тишлаши оқибатида келиб чиқади. Жароҳатда ҳосил бўлиш даражаси тишларни ҳолатига ва жағни қисишига боғлиқ бўлади, бунда бир қисм тўқималарни ҳайвон юлиб ўзиб олиши мумкин. Ҳар хил ҳайвонлар тишлаши ҳар хил бўлади. Тишлаганда микроб ва вируслар юқиши мумкин. (кутириш)

Отилган жароҳатлар (*vulnus sclopetarium*)-тўқималарни ўқ снаряд бўлаги ва бошқалар билан зарарланиши оқибатида келиб чиқади. Отилган жароҳатларда фақат ўқ теккан жой зарарланмасдан балки атроф тўқималар ҳам зарарланади. Қанчалик ўқ тез ва оғир келиб ўрилса, бўзилиш шунча кўп кўзатилади.

Отилган жароҳат Борст бўйича 3 та зонага ажратилади.

1) Жароҳат канали -бунда эзилган тўқималар, ёт жисимлар, микроблар ва қон лахталари бўлади.

2) Травматик некроз – бу ҳам жароҳат каналида бўлади. Танага таъсир этувчи куч қанчалик катта бўлса ўлган тўқима шунча кўп бўлади.

3) Молекуляр сотрясения (чайқалиш) - бу зонада ўлган тўқима кўзатилмайди балки бу тўқимада ҳам яшовчанлик бўзилади, яъни тўқима ядросида, протоплазмада ва бошқа қисимларида ўзгариш кўзатилади.

Айрим олимлар 4 ва 5чи зонани ҳам қўшадилар. (Б.М.Оливков,1954) бунда тирик тўқима чегарасида тўқималарда шок, томирларда фалажланиш кўзатилади.

Захарланган жароҳат (vulnus venenatum) – жароҳат ҳосил бўлишида жароҳатга захарли модда , илон захари ва радиоактив ифлосланиши бўлиши мумкин. Бу жароҳатлар организм учун жуда хавфли ҳисобланади ва унга тез хирургик ишлов берилиши керак.

Мураккаб жароҳатлар (vulnus) – бунда икки ёки ундан кўпроқ жароҳатлар бирданига бир организмга ҳосил бўлиши мумкин.

Организмнинг реакцияси ва жароҳат ҳосил бўлишига қараб жароҳатлар:

- 1) Тоза 24-26 соатгача
- 2) Яллиғланган
- 3) Инфекция билан ифлосланган

Энг тез жароҳатда ривожланган инфекция(газли) анаэроб микроблардир (Х.К. Рустамов, Я.О.Оқбутаев, Б.Д.Нарзиев ,1997)

1.2. Итларда учрайдиган йирингли жароҳатлар касалликларининг этиологияси, патогенези, клиник белгилари, даволаш ва олдини олиш

И.Я. Тихонин, М.А. Фельдштейн (1971), Г.С. Кузнецов (1980), К.И. Шакалов (1981) ларнинг маълумотларига кўра, ички юқумсиз касалликлар 80-94 % ни ташкил қилади, шулардан 40 % ини хирургик касалликлар ташкил қилади.

Механик шикаст натижасида тери ва тери ости тўқималарда тирналиш, мажағланиш, жароҳатланиш, гематомалар, лимфоэкстравазатлар, қовурғаларнинг синиши ва бошқа патологик жараёнларнинг ривожланиши аниқланган.

Итларда кўп жаррохлик касалликлари кўпинча орган ва тўқималарнинг механик шикастланишидан келиб чиқади. Унинг ҳайвон организмига таъсирини К.И.Шакалов (1981) қуйдагича таъкидлайди:

1.Ўткир шикастланиш ҳайвон организмига, уни ҳаётига ўта хавфли таъсир қилиши, орган ва тўқималарни зарарлаши ҳамда қон оқиши билан боғлиқ бўлади.

2.Тўқималарнинг ёпиқ шикастланишида улар некрозга учраши ва захарли моддаларнинг организмга сўрилиши ҳайвоннинг захарланишига олиб келади.

3.Кучли механик таъсирдан ички аъзолар (жигар, ошқозон, ичак, сийдик пуфаги) ёрилиши мумкин.

4.Шикастланган тўқималарга микроблар тушиши натижасида флегмона, некробактериоз, актиномикоз ва бошқалар ривожланиши мумкин.

5.Ҳайвонларда шикастланиш натижасида нейротрофик ўзгаришлар, яъни фалаж, атрофия ривожланиши мумкин.

Тўқима ва аъзолар зарарланиши механик таъсиротнинг даражаси ва кучига боғлиқ бўлади. Шикастловчи нарсалар қанча оғир ва мустаҳкам бўлса улар юмшоқ ва қаттиқ тўқималарда шунчалик катта ўзгаришларга олиб келади.

М.В.Плахотин (1981) бўйича жароҳат – тери, шиллик пардалар ва чуқур жойлашган тўқималарнинг очик механик шикастланиши бўлиб, оғриқ, қон кетиши, жароҳат четларининг очилиши ва фаолиятлар бузилишидир.

Юқорида айтиб ўтилган белгиларнинг кучли ёки кучсиз бўлиши жароҳат тури ва жойлашиши билан боғлиқ.

Кесувчи ва санчилувчи нарсалар таъсирида очик механик шикастланиш – жароҳат келиб чиқади. Механик таъсир тўқиманинг физиологик мустаҳкамлигидан юқори бўлгандагина орган ва тўқималарнинг

зарарланишига олиб келади. Орган ва тўқималарнинг зарарланиш характери уларнинг анатомофизиологик хусусиятларига, патологик ўзгаришлар мавжудлигига, ҳайвон ёши, тури, ва организмнинг реактивлигига боғлиқ.

М.В.Плахотин (1981) таъкидлашича, шикастловчининг кучи ва таъсир қилиши жойидан қатий назар ҳайвон организми унга маҳаллий ва умумий реакциялар орқали жавоб қайтаради.

Бу реакция марказий нерв системаси орқали бошқарилиб турилади. Тўқималар яллиғланиши шикастланишга организмнинг асосий реакцияси бўлиб ҳисобланади, яни яллиғланиш ташқи муҳит таъсиротларига организмнинг умумий ҳимоя – мослашув реакциясидир.

Ҳайвон организмнинг шикастланишга жавобан реактивлиги муҳим рол уйнайди.

В.И.Всеволодов, Н.И.Пирогов, И.И.Мечников, Н.Ф.Гамалея ва бошқа олимлар ўз текширишларида ҳар хил турдаги ҳайвон организмнинг шикастланишига қарши бўлган реактивлиги тўғрисида ижобий фикр билдирганлар.

Охирги йилларда ветеринария фани ва амалиёт ходимлари ҳар хил турдаги ҳайвон организмларининг реактивлигини, жароҳат биологиясини, ит ва бошқа турдаги ҳайвонлар жароҳатларини даволашини ўрганиб келмоқда.

Маълумки реактивлик организмнинг реактивлик хусусияти, касалликлар кечиши ва оқибатига боғлиқ бўлади.

Т.Ливанова (2000) таъкидлашича ҳар хил турдаги ҳайвонларнинг реактивлигини унинг чидамлилиги (резистентлиги) билан чанбарчас боғлиқ бўлиб, ташқи муҳит таъсиротларига жавоб реакцияси бўлиб ҳисобланади. Реактивлик озиқланиш, кўпайиш ва бошқа жараёнларга ўхшаб ҳаёт учун ўта муҳим бўлиб ҳисобланади. Шунинг гипоергик яллиғланиш организмнинг паст реактивлигида ривожланади. Эволюцион нуқтаи назардан организм қанчалик оддий бўлса, унинг реактивлиги шунча паст ва қанча мураккаб бўлса, унинг реактивлиги шунча юқори бўлади.

Бевосита сабабларга касалликни чақирувчилар ёки келиб чиқишига сабаб бўладиган ҳар хил шикастланишлар ва зарарланишлар киради, уларнинг таъсирида ҳайвон организмига патоген микроблар, маҳаллий ва умумий йўллар орқали кириб боради (К.И.Шакалов, Б.А.Башкиров 1986). Ҳайвон ҳаракат аъзоларининг шикастланиши қисқа муддат таъсир етувчи кучли ёки кучсиз лекин узоқ таъсир етувчи омиллар таъсирида ҳосил бўлади. Натижада орган ва тўқималарда ўзига хос жараён кечади. Ҳайвон организмнинг тўқима ва аъзоларини бошқарув механизмлари қўзғатувчи омилдан етарлича устун бўлмаслиги мумкин. Бунинг оқибатида ҳам шикастланган орган ва тўқималарда ўзгариш пайдо бўлади, жароҳатланган орган ва тўқималарнинг хужайралари элементларида структурали ўзгаришлар ҳосил бўлади, яъни патологик жараёнлар ривожланади. Касалликни келтириб чиқарувчи ўзгаришлар, орган ва тўқималарни бевосита жароҳатланишидан келиб чиқиши мумкин. Бунинг асосида мураккаб, асосан рефлектор ҳодисалар ётиб, ҳайвон организми касалликни келтириб чиқарувчи етиологик омилга қарши реакцияси бўлиб ҳисобланади (Г.С.Кузнесов, К.И.Шакалов, 1986).

Йирингли-ферментатив тозаланиш асосан отларда ва гўштхур ҳайвонларда кўзатилади. Асосан бунда йирингли экссудатли кечиш кўзатилади, жароҳат ҳосил бўлган билан травматик шиш ҳосил бўлади, сунгра яллиғланиш шиши ҳосил бўлади. Бунда йирингли ферментатив процесс ривожланади, бунинг оқибатида ўлган тўқималар ферментлар таъсирида парчаланади. Микроблар ва бошқа ёт моддалар йирингли экссудат билан ташқи муҳитга ажратилади. Бундай тозаланиш қисқа вақт давом этади, ва кам ҳаракат бўлади қолган иккита тип тозаланишга қараганда аммо кўп миқдорда йиринг бўлса йирингли-резорбтив иситма кўзатилади. Жароҳат ўлган тўқималардан холос этилгандан сунг жароҳатда иккинчи фаза бошланади. (Тимофеев С.В. и др. ,2007)

Гидратация-отларда ва итларда яхши намоён бўлади, ўртача қорамол ва чўчқаларда, камроқ кемирувчи ва паррандаларда бўлади.

Био-физико-кимёвий ўзгаришлар қон томирларини зараланиши оқибатида ва капилярларни ўтказувчанлигини ошириш натижасида кўп оксил ажралиб чиқади бу эса жароҳатда оксидланиш-қайтарилиш реакциясини ёмонлаштиради. Бу эса маҳаллий қон айланишини бўзади, шикастланган тўқималарда кислород ва керакли озукаларни етишмаслигига олиб келади ва нерв тўқималарида ҳам бўзилишларга толиб келади. Бунинг оқибатида углевод, ёғ ва оксиллирни парчаланишидан ҳосил бўлган моддалар жароҳат атрофида тўпланади (сут кислотаси, кетон таначалари, аминокислоталар). Кислотали муҳитга эга бўлган моддаларни тўпланиши рН ни кислотали томонга ўтишига сабаб бўлади ва муҳит кислотали бўлади яъни ацедоз келиб чиқади. Агар ҳаддан ташқари кислотали бўлса жароҳатдаги фагоцитоз хусусиятига эга бўлган сегмент ядроли лейкоцитларни ва макрофагларни активлигини пасайтиради. Бундан ташқари жароҳат инфекцияси ривожланган жароҳатларда муҳит рН 6,3-5,3 га тушиб кетади. Бунинг оқибатида микробларни, токсинларни ажралиб чиқиши кўпаяди ва у тўқималарни некрозга айлантиради ва лейкоцитларни ўлдиради.

Бундан ташқари бўзилган ва парчаланган тўқималарда К иони кўп ажралиб чиқа бошлайди. Бунинг оқибатида оғриқ кучаяди, капилярларни ўтказувчанлиги ошади, тўқима мембранаси ҳам ёрилади ва жароҳат атрофида шиш ҳосил бўлади. Оксил, ёғ ва углеводларни парчаланишида онкотик ва осмотик босим ошади. Натижада тўқима осмотик босим 19 атмосфера. (Тимофеев С.В. и др. ,2007)

Бу эса қон ва лимфа айланишини бўзади ва некрозланиш кучаяди. Шундай қилиб жароҳатда инфекцияни ривожланиши ацедозни ривожлантиради, некрозланишни кучайтиради. Айрим ҳолларда йирингли резорбтив иситма ёки сепсисга олиб келади.

Био-физико-кимёвий процесслар натижасида аста-секин процесслар нормаллашади, ўлган тўқималар жароҳатдан ажралиб чиқади ва процесс 2 фазага ўтади.

Иккинчи фаза – дегидратация фазаси бўлиб бу- яллиғланиш реакциясини пасайиши , шишинг пасайиши, регенератив тикланиш процессининг пайдо бўлиши билан характерланади.

Био-физико-кимёвий ўзгаришлар дегидратация фазасида тикланиш билан характерланади, бунда процесс нормаллашиб яллиғланиш процесслари пасайиб боради. Жароҳатдан ўлган тўқималар ажралиб чиқади, қон ва лимфа айланишлари нормаллашади. Ацедоз пасаяди, тўқималарни кислород билан таъминланиши яхшиланади. Ацедознинг пасайиши К ионининг пасайишига олиб келади ва шу вақтнинг ўзида Са иони кўпая боради. Бу эса капиляр ва мембраналарнинг мустаҳкамланишига олиб келади. Аста-секинлик билан тўпланган суюқликлар сўрилиб кетади ва аста-секин грануляцион тўқима ўсиб чандиқ ҳосил бўлади.(Тимофеев С.В. и др. ,2007)

Академик Тушнов М.Т. 1930 йилда тўқима терапиясини ишлаб чиқади ва тавсия қилади. 1933 йилда академик В.П. Филатов ҳозирги тўқима терапиясига асос солади ва ҳайвон, ўсимлик тўқималарини қўлланилишини ишлаб чиқди.

Профессор Н.И. Краузе жароҳат жараёнларини стимуляция қисмини ишлаб чиқди. Унда 2 % хлорид натрийда консервация қилинган тўқимани тавсия қилади. И.А.Калашник, Б.Я.Передера (1988) лар таъкидлашича физиологик еритмада тайёрланган 2 % ли новакаин еритмаси кўшилган ва консервация қилинган аутоконда кўп миқдорда биологик актив моддалар ҳосил бўлади. Бундай қон организмда қарши реакция фазасини чақирмай фагоситозни кучайтиради, РЕС ҳужайралари кўпайишини, соғлом грануляцияни тўқима ривожланиши тезлаштиради, чандиқланиш ва эпидермизация жараёнларини яхшилади. Б.А.Башкиров ва бошқалар (1990) буйича қон қуйиш усули кўпгина хирургик касалликларда қўлланилади: фурункулёз, дерматит, экзема, узоқ вақт битмайдиган жароҳат, яра, сурункали яллиғланиш жараёнлари, пролиферат, кўз касалликлари, ички ва гинекологик касалликлар, инфекцион касалликлар (оқсил).

Пирогенотерапия – сунъий равишда организмнинг умумий ҳарорати кўтарилади, бунда пироген моддалардан фойдаланилади.

С.М. Мабољ ва П.З.Будницкая шунақанги актив моддани, яъни прогеналини ажратдилар. Бу модда бактерия маҳсулотидир. Буни тери остига ёки мускул ичига юборса турли ҳилдаги гормонлар ва аденкортикотрон ва соматрон гормонлари адралади. Пирогенал захарли эмас, уни мускул орасига 10-15 мпд (минимал пироген доза) 1 кг тирик оғирлигига 15000-20000 мпд дан ортиқ юбормаслик керак, ҳарорат $0,5-1^{\circ}$ ошади, 2-3 кунда 1 марта 15-20 кун давом этади. Бу моддани узок битмайдиган жароҳатларда, яра куйишларда ва бошқа касалликларга қўллаш мумкин.

Жароҳатга ишлов бериш А. Чаруковский, кейинроқ Фридрих томонидан илгари сурилган. Улар томонидан илгари сурилган фикр шундан иборатки, яъни жароҳат ҳосил бўлгандан сўнг 6 соат мобайнида микроблар жароҳат юзасида жойлашади, бу вақт ичида микроблар тўқима ва лимфа ичги киролмайди, шу даврда жароҳатдаги ўлган тўқималар кесилиб, ювилиб кесиб ташлаш билан даволанади. Лекин Б.В. Огнев деган олим тажриба орқали жароҳат ҳосил бўлгандан кейин, ярим соатдан кейин микроб лимфа тугунида бўлишини оширади. Аммо амалиётдан шу нарса маълумки, 6-12 сота ичида ўлган тўқималар олиб ташланиб, тикиб ташланса, бирламчи тортилиш билан жароҳат битади.

Физик антисептика – бу усулнинг асосчиси (1896 йилда) Пребораженский ҳисобланади. У дока ва бошқа моддаларнинг физикавий (гигроскопик) хусусияти жароҳатдан йиринг ва суюқликларни сўриб олиниши тўғрисида айтиб кетган. Физикавий антисептиканинг асоси шундан иборатки бундан жароҳатдаги суюқликлар чуқурликдан ташқарига чиқишидан иборатдир. Бу боғлам натрий ионларининг гигроскопик хусусиятларига боғлиқ. Шу билан бирга осмос ва диффузия ўзгаришлари билан суюқликларни тўқималардан гипертоник эритмалар ва гироскопик моддалар (активлаштирилган кўмир, гипс) томон силжиши ҳисобланади,

бунинг оқибатида тўқималар суюқликлар алмашинуви яхшиланади. Бунинг оқибатида микроблар захари, тўқималар парчаланишидан ҳосил бўлган моддалар сўрилади. Гипертоник эритмалар таъсирида микроблар сувни йўқотади ва фагоцитоз бўлими хусусиятига эга бўлади.

Белов А.Д., Беляков И.М., Лукьяновский В.А. (1983) маълумотларига кўра агар тўқималар мажакланган бўлса, биринчи 2 кун давомида совуқни қўллаш лозим. Бунинг учун муз, қор, қўлланади. Совуқ муолажалардан кейин 3 – 4 кунга бориб, шишларни сўрилиб кетишини таъминлаш учун иссиқ муолажалар, иситувчи компреслар, қитиқловчи малҳамлар (финалгон, апизартрон, индометасин, ефкамон) ва массаж қўлланилади. Иссиқни қўллаган вақтда гепарин суртмаси билан ултратовушни қўллаш яхши натижа беради.

Оливков Б.М. (1954) нинг таъкидлашича, жароҳатга нормал муҳитни яратиш учун қуйидаши эритмалар қўлланилади: 4-5 % ли натрий гидрокарбонат (рН-7,7), ўрта тузларининг гипертоник эритмалари (рН- 8-8,8) 10-15-20 % ли мочевина, тиомочевина эритмалари (рН- 7,1), Оливков суюқлиги (рН- 8.6-8,8), 5 % ли совун эритмаси ёки кўпиги (рН - 10) ва бошқалар.

Бундан ташқари бир қатор комплекс эритмалар қўлланилади (Плахотин (1981) бўйича) хлорамини 20,0 нинг натрий хлорид 200,0, калций перманганат 10,0, дистилланган сув 2000,0 яхши натижа беради ва анаэроб микробларни ўлдиради.

Бу жароҳатларни даволашда биринчи навбатда юқоридаги сабалар йўқ қилинади. Бундан ташқари парафин аппликацияси, тўқима терапияси, ультрабинафша нурлар қўлланилади ва Разумовский бўйича спирт билан ҳам даволанади: 96 ° ли спиртни 2-3 минут сақланади ва жароҳат тикилади.

I. боб бўйича хулоса.

II.606 АСОСИЙ ҚИСМ

2.1. Илмий тадқиқот натижалари, таърифи ва таҳлили

2.3 Самарқанд вилояти хизмат итларини сақланиши, озиқланиши, умумий дрессировкаси, уларда йирингли жароҳатларни келтириб чиқарувчи экологик омиллар ва уларнинг учраш даражаси

2.3.1. Хизмат итларини сақланиши, озиқланиши ва умумий дрессировкаси

Итларни сақланиши, озиқланиши ва умумий дрессировкаси ўрганиш борасидаги илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг «Хайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида қошидаги ветеринария клиникасида, институт виварийсида, Шаҳар ветеринария бўлимида, Вилоят патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида сақланаётган хизмат итларида 2012-2014 йилларда ўтказилди.

Итларни сақлаш учун хоналарни қуришда, улар у ерда вақтининг кўп қисмини ўтказишини инобатга олиш лозим. Шунинг учун хоналар бир қатор талабларга жавоб беришлари керак: итларни ёмғир, шамол, чанг, қиш совуғи ва ёз иссиғидан ҳимоя қилиш, бегона одамлар, дайди ва ёвойи хайвонлар ҳамда кучли шовқинлардан (ўтаётган автомобиллар ва бошқ.) ҳимоя қилиш. Хоналар атроф ердан баландроқ ва қуруқ, одамлар яшайдиган, чорвачилик ва хўжалик қурилмалардан йироқроқ жойларда қурилиши лозим. Хоналар етарлича кенг, қуруқ, ёруқ, ҳавоси тоза бўлиши керак. Шамол, чанг ва қуёш нурлари таъсиридан ҳаддан зиёд қизиқ кетишидан ҳимоя қилиш мақсадида унинг атрофида кўкаламзорлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ.,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Бир гуруҳ итларни сақлаш учун мўлжалланган жой юқорида айтиб ўтилган талабларга жавоб бериши керак ҳамда уни баландлиги 2 м дан кам

бўлмаган девор билан ўраш лозим. Агар итлар сони кўп бўлмаса ва ер майдони кичик бўлса, деворда эшик колдирилади, акс ҳолда дарвоза курилади. Уларга ишончли кулф қўйилиб доим ёпиқ туришлари керак.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида итларни сақлаш учун махсус жойлар - кабиналарга бўлинган павильонлар курилган. Кабина ҳар бир итга алоҳида мўлжалланган бўлиб унга усти очик яйраш майдонча (вольер) бирикиб турибди. Кабинанинг узунлиги 2 м, эни 1,5 м, олд деворининг баландлиги 2-2.5 м, орқа деворники 1,5-2 м; кабина эшигининг баландлиги 1,7 м. эни 0.7 м . Эшик ташқарига очилади. Кабинага ёруғлик тушиш учун, унинг устида ойнаванд ром қўйилган. Эшикнинг пастки қисмида, вольерга чиқиш учун, 40х50 см ли туйнук бор. Ёзда туйнук очик туради, қишда эса брезент билан ёпилади.

Вольернинг узунлиги 3 м, эни 2 м, баландлиги 2,2 м . Вольерлар ораси, баландлиги 2,2 м келадиган девор билан ёпилган. Вольернинг олд қисмида эшик ясалган, унинг баландлиги 1,8 м эни 0,7 м . Эшик ичкарига очилади. Ҳар бир кабина ичида будка курилган. Будка туйнугининг ўлчамлари 40х50 см га тенг . Унинг томи ясси, силлиқ , чунки итлар ёз фаслида унинг устига чиқиб ётишга мослаштирилган. Совуқ тушганда будканинг ичига сомон, хашак ёки ёғоч қириндисидан тўшама тўшалади. Павильонлар ғиштдан курилган. Вольерларнинг ён деворлари ғиштдан, олд девори ва эшиги эса темир панжарадан ясалган. Кабина ва вольер поллари ғиштдан ясалган. Итларни шамоллашдан асраш мақсадида кабиналарга 1х1,6 м катталиқда ёғоч шитлар ётқизилган. Вольернинг олд томонидан, 4-5 м нарироқда, баландлиги 35-40 см келадиган устунчалар ерга қўмиб қўйилган. Уларга итлар тозаланганда боғлаб қўйилади. Устунчанинг устига диаметри 20-25 см келадиган ёғоч майдонча қоқиб ўрнатилган. Унга ит тозалаш пайтида ўзининг олд оёқларини қўйиб туради. Устунчаларнинг ораси 3 м дан кам эмас. Итларни кўпайтириш ва ит болаларни ўстириш учун мўлжалланган питомникларда ундан ташқари туғиш, ит болаларни сақлаш, итларни ювиш ва

овқат пишириш хоналари бор. Питомникда ветеринар лабораторияси ,амбулатория ва стационар қурилган.

Туғиш хонасида туғишига 7-10 кун қолган бўғоз ва туккан қанжикларни сақланади . Унинг ичида кабиналар қурилган (2,5x3 м). Кабиналарда будкалар бўлиб,ёзда будкалар вольерга чиқарилади.

Онасидан ажратилгандан кейин ва 6 ойлигигача ит болалари гуруҳ-гуруҳ қилиб сақланар экан. Улар учун сим тўр билан ўралган, катта - 6x6 м келадиган вольер қурилган. Унинг ичида будкалар ва ўйин учун мосламалар қўйилган.

Итни якка тартибда сақлаш учун стандарт ўлчамдаги йиғма будкалар қурилган бўлиб, будканинг олдига 1x1,7 ўлчамда шит ётқизилган. Будка ёнида эса устун ўрнатилган ва итни боғлаб қўйиш учун унга халқа бириктирилган. Қишда будка турли иссиқ сақлайдиган ашёлар (эски кўрпа, брезент ва бошқ.) билан ўраб қўйилади. Девор эшиги доим қулфланиб ёпиқ турилади.

Ҳозирги вақтда жаҳонда 400 дан ортиқ ит зотлари мавжуд бўлиб, булар қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

- 1.Хизматчи итлар
- 2.Овчи итлар
- 3.Декоратив ёки уй итлари.

Итларни сақлаш усуллари уларнинг умумий ҳолатига, ўсиш - ривожланишига, соғлиғига ва иш фаолиятига боғлиқ бўлади. Итларни сақлашни қўйидаги усуллари мавжуд: гуруҳда, далада, ҳовлида, уйчаларда ва ҳ.к. усуллари амалиётда қўлланилади. Гуруҳ усулида сақлаш махсус урчитиш, кўпайтириш, ўргатувчи ва ҳарбий қисмларда қўлланилади. Чўпон итлари доимо далада сақланади. Ҳовли ва дала ҳовлида сақлаш усуллари кишлоқ шароитларида амалга оширилади.

Кейинги вақтларда итларни уйларда сақлаш усули кенг қўлланилмоқда. Итларни гуруҳларда сақлаганда улар учун махсус бинолар қурилади. Улар хоначаларга бўлинган бўлиб, яйрашга чиқиш учун очик жой қолдирилади. Яйраш майдони текис бўлиб ҳеч қандак буюмлар бўлмаслиги керак. Итларни

жароҳатланишига, тсриларини ифлос булишига нмкон бермаслиги керак. Агар яйраш майдони зах ёки нам бўлса тахтадан тўсиқлар кўйилиб ердан баланлиги 20-30 см бўлиши керак. Тўсиқларни олиш. кўйиш осон бўлиши учун улар бир неча бўлакларга бўлинган бўлади. Итларнинг сони кўп бўлса айвонлар қурилиб алоҳида ҳар бир ит учун яйраш майдони ажратилади. Айвонлар иклим шароитига ҳамда асосий шамол йўналишини ҳисобга олган ҳолда қурилиши керак. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Ҳар бир кабинага тахтадан узунлиги 1м, кенглиги 0,9 м ва баландлиги 0,8 м бўлган олинадиган уйчалар ўрнатилади. Ташкарига чиқиш учун 0,4 х 0,5 м туйниклар ўрнатилади. Уйчаларни томи яхлит, текис ва олинадиган бўлиб. атрофи тахта билан баландрок қилиб кўтарилади. Иссиқ пайтлари итлар асосан томнинг устида ётади. Шунинг учун усти салкин бўлиши керак. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Жанубий ҳудудларда итлар учун 1 х 0.8 м бўлган тўсиқлар ўрнатилиб, атрофи тахта билан ўралади. Тўсиқнинг пастида 2 та ёғоч болор кўйилиб, баландлиги 15 - 20 см бўлади. Совуқ пайтлари иссиқликни сақлаш учун уйчаларнинг ичига итларнинг ётадиган жойига похол, сомон, ёғоч кипиғидан нозик тўшама тўшалари. Уйчалар ер ости сувлари чуқур бўлган жойларда, ёмғир ва қор сувлари тўпланмайдиган жойларга ўрнатилади. Улар хўжалик бинолари, саройлар, гараж, ҳожатхона, товукхона, отхона, кўйхона ва гўнғхоналардан камида 15-20 м узоқликда жойлаштирилиши керак. Итлар сақланадиган жойлар девор билан ўралиб, пойдевори 30 см чуқурликда бетон қилиниб, ғишт билан кўтарилиши керак. Майдоннинг 7-7,5 м² жойи бетон, асфальт ёки тупроқдан қилиниши мумкин эмас. Чунки у намликни ошириб итлар ўртасида шамоллаш касалликларини келиб чиқишига сабабчи бўлади. Энг қўлайи яйраш майдонларини тахтали полдан килингани маъқул. Бундай поллардан 5-7 йил тулиқ фойдаланиш мумкин. Майдоннинг

5/1 қисми очик қолдирилиб кукаламзорлаштирилади. Яйраш майдонининг устидан ўлчами 1,5-2 м бўлган енгил айвонлар ёки соябонлар уйчанинг устидан қурилади. Майдонлар 2-3 кунда бир марта, уйчалар эса 1 ойда 2 марта тозаланади. Айвонлар итларни иссиқ уришидан, ёмғир ва кордан ҳимоя қилади. Итлар дала ҳавлиларда сақлаганда ўзларини яхши хис этадилар. Уларни сақлаш учун бўлиниб тайёрланадиган тахтали уйчалардан фойдаланилади. Уйчаларнинг ўлчами кичик итлар учун кенглиги 70 см узунлиги 55 см ва баландлиги 60 см бўлиши керак. Ташқарига чиқиш учун туйникнинг ўлчами 0,3x0,4 м., ўрта итлар учун (боксёр, ротвеллер) 1,15 x 0,75 x 0,8 м, туйниги эса 0,35-0,5 м., катта итлар учун (док, Кавказ овчаркаси) 1,35x0,95 туйнуғи 0,4-х0,5м бўлиши керак. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Уйчаларнинг девори 3 қавватли ички, ташқи қалинлиги 15 мм, ўртаси 30 мм ли курук ёғоч қипиғи билан тўлдирилади. Бундан ташқари уйчанинг ичида олинадиган шифт бўлади. Бир қаватли уйчала курук тахтадан қилинган бўлиб қалинлиги 30 мм бўлиб, полнинг қалинлиги 20 мм бўлади. Ташқи томони 2 қаватли махсус ҳимоя қатлами билан қопланади. Томи текис бўлиб 1 ёки 2 томонга эгилган бўлиб ёмғир сувлари ўтмаслиги керак. Уйчалар нам бўлмаслиги учун унинг остига ёғоч болорлар қўйилади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Уйчалар 1 ҳафтада 2-3 марта тозаланади. Озик - овқат берилган идишлар итлар овқатни еб бўлгандан кейин олиб яхшилаб ювилади. Итларни ҳовлида сақлаганда одамлар яшайдиган жойдан 15-20 м узоқликда ва баландроқ курук, тоза, елвизаксиз, қуёш нурлари тушадиган, ери эса ёмғир ёғгандан кейин тез қурийдиган жойдан жой ажратилади. Итлар учун атрофни кузатадиган жойи аниқ ва баландроқ бўлиши керак. Итлар саройларда сақланса улар учун табиий ёруғлик тушадиган алоҳида жой ажратилади. Дам олиши учун тўсиқ билан ажратилган жой белгиланади. Итларни молхоналарда, кўтонларда, омборларда, устахоналарда. автомобил

саройларида сақлаш мумкин эмас. Итларни эркин ҳолда дала ҳовлиларда сақлаганда атроф тўсиқлар билан ўралган бўлиши керак. Итларни сақлаш учун бинолар қўрилганда ёғоч устунлар ёки метал трубалардан фойдаланилади. Уларнинг пастки қисми ерга 30 см чуқурликда қўмилади. Кейин юқориги ва пастки қисми тахта билан бекитилиб метал тўр билан копланди. Тўрнинг пасти ерга 15-20 см чуқурликда қўмилади. Яйраш майдонига қум сепилади. Яйраш майдони тоза сақланиб, ит тезаклари ўз вақтида йиғиштириб олинади. Итларни далади дарахт, тўсиқ ёки қозикларга боғлаб сақланади. Яйловларда эса итлар учун уйча, чайла, ертўлалар қурилиб, қўтонга яқин бўлиши керак. Итларни уйларда сақлаганда итлар ҳар куни 3 марта ташқарига чиқарилиб яйратилади. Итлар учун уйларда алоҳида жой ажратилиб, остига юмшоқ материаллардан тўшама тўшалади. Гуруҳда сақлаганда итлар учун махсус уйчалар жиҳозланади. Уйчалар олдида ҳар бир ит учун алоҳида яйратиш майдончалари ташкил қилинади. Уйчаларни (кабина) узунлиги 2 м, кенглиги 1,5 м, олдинги деворни баландлиги 2,5 м., орқа томони 1,5-2 м, эшикнинг баландлиги 1,7 м, кенглиги 0,7 м, эшикнинг устидан ойнали дераза ўрнатилади. Эшикнинг тагидан 0,4 х 0,5 м туйнук қолдирилади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Яйратиш майдонида ёғочли тахланадиган уйча ўрнатилади. Жанубий районларда эса унинг ўрнига итларни ётиши учун тахтали пол қилиниб, газлама материалдан баландлиги 15 - 20 см тўшама қилинади. Уйчаларни ўлчамларни ҳовлида сақлаганда 1,2 х 0,9 х 1 м, томи бир томонга ёки икки томонга қараб эгилган бўлади. Уйчалар салкин жойларда, дарахтларнинг остига жойлаштирилади. Олдидан эса ўлчами 1,2 х 1,5 м тахтали тўсиқ ўрнатилади. Қишда уйча иссиқ сақловчи материаллар билан иситилади. Уйчалар доимо шамоллатиб дезинфекция қилинади. Уйчаларнинг асоси пол, девор, каркас ва томдан иборат. Итларни эркин ҳолда ҳовлида сақлаганда унинг атрофи девор билан ўралган бўлиши керак. Итларни бошқа ҳайвонлар

корамоллар, чўчкалар, қўйлар билан бирга ёпиқ биноларда сақлаш мумкин эмас. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ.,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Итлар доимо парвариш килиниши, териси ҳар куни тозаланиши керак. Итларни терисини тозалаш учун қашлагичлар ишлатилади. Уларнинг жунини юлиб олиш мумкин эмас. Итларни терисида кўп миқдорда ўлган эпидермис хужайралари тўпланади, ёғ ажралиши натижасида улардан ёмон ҳид келади. Шунинг учун итларни илик +250 - 280С ли сувда совун, шампун ёки махсус зоосовунлар билан ювилиб, кейин тоза, куруқ сочиқ билан артилади. Итларни тез-тез ювиш тавсия этилмайди. Итлар асосан иссиқ пайтлари ҳар ойда бир марта ювилади. Итларни чўмилтириш улар организмнинг табиий чидамлилиқ қобилятини оширади. Шунинг учун итлар иссиқ пайтларн ҳар куни бир марта чўмилтирилади. Агар сувнинг ҳарорати +180С дан паст бўлмаслиги зарур. Чўмилтириладиган сув ҳавзасининг суви тоза бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Итларни чўмилтирадиган жойлар одамлар чўмиладиган, ҳайвонлар сув ичадиган жойлардан узок бўлиши яъни оқар сувларнинг пастки жойларида чўмилтириш керак. Итлар озиқлантиришдан 5-20 минут олдин чўмилтирилади. Айрим зотдор итларнинг жуни қирқшшб, уларнинг тери қоплами устига шакл берилади. Итларни жунини қирқиш жараёни курак, елка, буйин, бел, бош, кўкрак жунлари кейн оёқ буғим жунлари олинади. Бу жараён иссиқ пайтлари ёки баҳор ойларида бажарилади. Итларни асосан яйратишга олиб чиккан вақтда тозаланади. Итларнинг териси доимо ҳар хил ифлослнклар билан ифлосланади. Шунинг учун уларни иссиқ сув билан ювиб туриш керак. Итларни чўмилтириб туриш уларнинг организмни чиниқтиради. Шунинг учун итларни иссиқ вақтлари ҳар куни чўмилтириш мақсадга мувофиқ. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Айрим зотли итларни жуни олинади - олдин курак усти, елкаси, бўйни, боши, кўкраги ва охирида оёқларининг жуни олинади. Жунни олиш асосан баҳорда иссиқ пайтлари амалга оширилади. Итларнинг тирноқлари ўсиб кетса юришга ҳалақит беради. Шунинг учун тирноқларнинг учлари

кесилади. Айрим зотли итларнинг кулоқлари, думлари кесилади. Итларни кандай усулда сақлаш боқишдан қатъий назар улар яйратилиши зарур. Улар кунига камида 2-3 марта 30-40 дақиқа давомида тоза ҳавода яйратилиши лозим.

Яйраш майдони узунлиги 3 м., эни 2 м баландлиги 2,2 м бўлиб майдонлар оралиғи тўлиқ ёпиқ тўсиқ билан баланлиги 2,2 м қилиб ўралади. Ердан деворнинг 0,75м баландлиги ёғоч билан қолгани 1,25 м метал тўр билан ўралади, итлар яйраш майдонига ўтмаслиги учун тўсиқларни пастки қисми 0,5 м чуқурликда ерга қўмилади. Майдонни олдинги қисмига 1,8х0,7 м ли маҳкам жойлаштирилган эшик ўрнатилади. Эшик ичкарига қараб очилади. Ҳар бир кабинага йиғиштириб олинadиган узунлиги 1 м кенглиги 0,9 м ва баланлиги 0,8 м бўлган кичик уйчалар ўрнатилади. Уйчанинг туйниги 0,4х0,5 м бўлади. Томи текс бўлиб атрофии тахта билан ўралган бўлиб олинadиган бўлиши керак. Ёзда итлар томнинг устида ётади. Шунинг учун уйча салқин жойга ўрнатилиши керак. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Итларни тозалаш учун тароқ, қашлагич, тоза матолар қўлланилади. Тозалаш учун итларнинг чап томонидан туриб, олдин боши, бўйни, танаси, думи ва оёқлари тозаланади. Сўнгра шундай тартибда қашлагич унғ қўлда ушланиб, чап қўлда эса тароқ ушланади. Итлар жуда қирлаган бўлса уни олдин похол ёки хашак тозалагич билан тозаланади. Юмшоқ жунли итларда бундай тозалаш жуда осон бўлади. Уларни териси ҳар кун патли сочиқ билан артилади. Ҳафтасига итларни икки марта тароқ билан тозаланилади. Тозалаш итларни жунларини ўсишига қараб ва аксинча утказилади. Улар тозалангандан кейин териси нам сочиқ билан артилади. Социқни қирланишига қараб уни ювиб сувини сиқиб артиш давом эттирилади. Итларнинг кўзи ва қўлоқларини тоза мато ёки пахтали тампон билан артилади. Танасининг юмшоқ терилари қўлоғининг орқаси, тос оралиқларини тозалаш учун юмшоқ силлиқ қашлагичлардан фойдаланилади. Териси нозик бўлгани учун уларни жароҳатланишига йўл қўймасдан ойига бир ёки икки марта тозаланади. Тез кўзғалувчи (жаҳлдор) итларни тозалашга

аста секин ўргатилади. Итларни ишлатгандан кейин тезда ёки овқат еяётган пайтда тозалаш мумкин эмас. Итлар чўмилтирилгандан кейин бўйнидан боғлаб то танаси қуриганча яйратилади. Жуни кам ўсган итларни териси тароқ ва қашлағичлар билан тозаланиб турилади. Уларни тирноқлари ўсиб кетган бўлса юришига ҳалақит бермаслиги учун тирноқлари олинади ёки эгов билан текисланади. Кўпчилик ит зотларининг кўлоқлари ва думларига шакл берилади. Бу жараён ветеринария мутахассислари томонидан ветеринария даволаш пунктларида амалга оширилади. Пудель зотли итларнинг жуни олинади, соғлом бошқа зотли итларни жунини қирқиш тавсия этилмайди. Фокстер зотли итларнинг жуни қаттиқ бўлгани учун юлиб олинади. Бир йилда жуннинг ўсишига қараб 3-4 марта итлар жуни олинади.

Хизмат сафаридаги итлар ўзларига беркитилган одамлар билан сақланади. Дала шароитларида улар учун чайлалар, енгил типдаги соябонлар ўрнатилади. Иссиқ пайтлари итларни дарахт соясига, қуёш нурларидан пана жойларга жойлаштириб, қуёш нурларининг тўғридан тўғри тушиши, шамол ёки ёмғирдан сақланади. Совуқдан сақлаш учун уларнинг танасига попонлар кизгизилиб остига тўшамалар тўшалади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; С.Н. Хохрин, 2001).

Шаҳар жойларида итларни кўчаларда боғловсиз қолдириш, улар билан бирга савдо дўконларига, ошхоналарга, медицина қорхоналарига ва бошқа иш жойларига кириши таъқиқланади. Уларни одамлар яшайдиган жойларга олиб чиқиш учун қалта боғлаб, бурундик кийгизилади. Ит эгасининг ёнида унинг тезагини олиш учун хокандоз ва халтача бўлиши керак.

Итлар темир, автомобил, ҳаво ва сув йўллари орқали ташилади. Бунинг учун итлар ветеринария даволаш муассасаларида текширилади. Итнинг эгасида итнинг паспорти ва ветеринария гувоҳномаси бўлиб, унда итнинг соғломлиги, турли юқумли касалликларга қарши эмланганлиги кўрсатилган бўлади. Касал итларни ташиш мумкин эмас. Шаҳар транспортларида итларни олиб юриш таъқиқланади. Узоқ йўлларга ташилганда 12 соатдан кейин махсус ажратилган жойларда озиклантириш амалга оширилиб,

автоуловларда ташишдан 3 соат олдин итлар озиклантирилиб, жўнатишдан 1-1,5 соат олдин яйратилади. Узоқ масофагаташилгандан кейин итларга узоқ муддатли дам берилади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Итларни ташишдан 6 соат олдин озиклантирилади ва яйратилади. Йўл давомида ҳар хил стрессларни олдини олиш мақсадида уларга таниш бўлган ўйинчоқлар берилади. Улар профлатик кўрикдаи ўтказилиб эмланади. Чет элга кетадиган итлар учун ҳужжатлар тайерланиб ветеринария врачининг маълумотномаси, кутириш касаллигига қарши эмланганлиги кўрсатилиши керак.

Итларни иўйимлилик моддаларга бўлган талаб, наслий, жинсий,ёшига ва бошқа фарқларига қараб аниқланиб, тирик вазни (итнинг ката-кичиклиги) мускул фаолияти, зоти, физиологик ҳолати, сақлаш шароитига қараб белгиланади. Итларнинг энергияга бўлган талаби асосан гавдасининг катта-кичиклигига боғлиқ бўлади.

Жуда майда зотли тирик вазни 1-5 кг бўлган итларга танасининг 1 кг оғирлиги учун ўртача 460 кдж, кичик зотли (5- 10 кг) 350 кдж, ўртача вазндаги зотли (10-20 кг) 200 мдж, йирик зотли (28-80кг)-250 кдж, жуда йирик зотли (30 кг ва ундан зиёд)-220 кдж.

Қурук, мускулли итлар ҳаётий жараён учун нозик кониститутцияларга нисбатан энергия кўп сарфлайди. Тез қузғаладиган итлар флегматикларга нисбатан энергияни кўп талаб қилади. Наслли итларда туғиш даврида тайёргарлик кўриш вақтида энергияга бўлган талаб 25% га, қанчиқларда бўғозликнинг иккинчи ярмида -50%, сут эмизувчиларда қариб-2 баробар, хизматчи итларда -30%га, тинч турган даврига нисбатдан ошади. Кучукбачаларнинг энергияга бўлган талаби ёшига боғлиқ бўлади. 1 кгтирик вазнига 1,5-3.0 ойликда 970 кжд, 3-5 ойликда710 кдж, 5-8 ойлик - 520 кдж, 8-13 ойлик - 420 кдж. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Оқсилга бўлган талаб катта ёшдагиларда 1 кг тирик вазнига 4,5 г, ёш итларники 9г. Бу талаб насли итларда эркаларида - 30 % га бўғоз итларда - 20 - 50 % кайси даврда туғишига қараб, сут эмизадиганларда сут беришнинг бошланғич 2 ҳафтасида 50 % га, 3-5 ҳафтасида -70 %, хизматчи итларда - 50 % ошади тинч турган итларга нисбатдан. Ёғга бўлган талаб 1 кг тирик вазнига катта ёшдагиларда ўртача 1,3 г, ёш итларга 2,6 г. Насли итларда 10-15 %, хизматчи итларда 15 % га ошади. Енгил ҳазмланувчи углеводларга бўлган талаб 1 кг тирик вазнига катта ёшдагиларда 10г, ёш итларга 15,8 г. Насли ва хизматчи итларда 10-15 % ошади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Клетчаткага бўлган талаб катта ёшдагиларда ўртача 1 г, ёш итларга 1,5 г 1 кг тирик вазнига туғри келади.

Эркак итларни физиологик ҳолатига тинч туриш (яъни фойдаланмайдиган давр) қочиришга тайёрлаш ва қочиш даврига қараб озиқлантирилади. Итларнинг озиқлантириш хусусияти уруғнинг миқдори ва сифати билан белгиланади. Итлар ҳар бир қўшилганда ўртача 10 мл (40 мл гача) уруғ беради. Уруғининг сифатига рационнинг тўлиқ қийматлилиги ва калориялиги таъсир кўрсатади. Шунинг учун уни қатъий норма асосида озиқлантириш зарур.

Эркак итлар рацион структураси қуйидагича бўлиши зарур: талаб қилинадиган энергияга нисбатан гўшт - 50 %, крупа - 40 %, сабзавот 10 % Эркак итлар қочиришга 1,0-1,5 ой олдин тайёрланади. Бу даврда рационда ҳайвонот маҳсулоти 70 % дан кам бўлмаслиги керак. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Қўшилиш даврида I дона тухум бир кунда ёки кунаро хом жигар, балиқ ёғи, ачитқи, глицерофосфат ва кунда ёки кунаро 1-2 томчи витамин препаратларини бериш фойдали. Эркак итлардан фойдаланмаган даврда 2 марта, қочириш даврида 3 марта озиқлантирилади. Озуқа маҳсулоти қуюқ сут ёки суғоқ каша сифатида берилади. Озуқалар 2-3 соатдан кейин берилади. Бериладиган озиқа иссиқроқ (+350 - 800С) ҳолда берилиши зарур.

Итларнинг бўғозлик муддати ўртача 62-63 кунни ташкил этади (58-65 кун) итлардан ўртача 3-6 та бола олиш мумкин. Она қорнида ривожланаётган боланинг яхши ривожланиши тўлиққийматли озукалар билан меъёр асосида озиқлатиришга боғлиқ. Рационнинг тенглаштирилмагани, энергетик тўйимлилиكنинг пастлиги, оксил, витамин ва минерал моддаларнинг етишмаслиги эмбрионнинг ўлимига ва нимжон бола туғилишига сабабчи бўлади. Бўғоз итлар рационини ёғсиз гўшт, суп махсулотлар (ичак, қорин ва ҳокозолар), сутли озукалар, ҳар хил крупалар, сабзавот, ҳайвон ёғи, минерал моддалардан ва витаминлардан ташкил топиши мақсадга мувофиқ. Янги туғилган ёш итларда рахитнинг олдини олиш учун суяк уни ва минерал қўшимчалар ўрнига, махсус қўшимчалар, глицерофосфат кальций (40 дона таблетка), лактаткальций (40 таблетка), озиқавий бўр (20 г), фитин (10 таблетка), фаол кумир (10 таблетка) майдаланиб аралашмадан ярим чой қошиқдан берилади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Бўғоз итларни бўғозлиكنинг 3 ҳафтасидан 3 марта, 7 ҳафталигида 4 мартадан озиқлантирилади. Бу даврда асосий озуқа гўштли суп, крупа ва сабзавот аралашмаси бўлиши зарур. Суп 2 марта эрталаб ва кечқурун берилади. Унга минерал ва витаминли қўшимчалар қўшилади. 3-4 озиқлантиришда сут, нон билан ёки пиширилган гўшт берилади. Озуқа доимо бир вақтда берилиши зарур.

Итларнинг сут бериш даври 4-6 ҳафта давом этади. Сут бериш ҳар хил даврда ҳар хил бўлади. 20-25 кунгача сут безларининг сут ажратиши жадал бўлади, кейин эса камая бошлайди. Сутда 7 % оксил, 8 % ёғ, ва 4 % лактоза бўлади. Сут таркиби озуқа билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун эмизадиган итларнинг талаби тинч ҳолатдагига нисбатан юқори бўлади. Туйимлилик моддалар ва энергиянинг камлиги рационда сутдорлик ва сут таркибига салбий таъсир кўрсатади. Тўққандан кейин 6 соат давомида озуқа берилмайди, лекин доимо олдида тоза сув бўлиши зарур. Кейин 2 кунда озуқани кўп бермасдан

бир меъёردа бир кунда 5-6 марта берилади. Бу даврда энг яхши озуқа гўшти бульон, гуручли, кашали ёки крупали суюқ суп ҳисобланади. Кам миқдорда сутга ивигилган оқ нон берилиши мумкин. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Тўққандан 4 кун ўтгач қўйидаги структура бўйича рацион тузилади: Гўшт (ёғи кам 2 категория) - 45 %, крупа- 35 %, нон 10 %, сут 5 %, картошка ва сабзавот 5 %. Рационга суюқ уни, бўр, балиқ уни, сабзавот, кўкат ва витамин препаратлари ҳам қўшилиши мумкин. Тукқан ит 1 кунда 3 марта озиқлантирилади. Озиканинг ҳарорати +300 - 350С бўлиши керак. Агарда витамин С етишмаслиги намоён бўлса 1 кунда 1 марта аскарбин кислотаси берилади.

Ёш итнинг ўсиш ва ривожланиши сут эмишнинг охириги давригача аиникса 2 ҳафталикгача озиқлантиришга боғлиқ. 2 ҳафталикгача асосий озуқа онасининг сути ҳисобланади. Биринчи ҳафтасида 1 кунда 12 марта, 2 - чи ҳафтада 8 марта онасидан ажратишда 4-5 марта эмади. Она сути кам бўлса 1 ҳафталик ёшидан қўшимча озиқлантирилади. Сигир сути 27-30 г қиздирилиб, 0,5 л сутга 1 та хом тухум аралаштирилиб берилади. 2 ҳафталикдан бошлаб янги хом гўшт фарш ҳолатида 15-20 г берилиб, кейин кўпайтирилиб берилади. 3 ҳафталигида 40-50 г гўшт, 4 ҳафталигида 100 г гўшт онасини эмгандан сўнг берилади. 3 ҳафталигидан бошлаб омухта озуқа (гўшт, сут, каша) суюқ ҳолида берилади. Каша аввало 30-50 г, аста секин 200-250 г га етказилади. Озуқа бир кунда 3-4 марта берилади. Шу ёшдан бошлаб сув берилади. 4 ҳафталигидан гўшти бульон ёки суп, майда кесилган пиширилган гўшт, оқ нон, творог, сабзавот ва кўкат берилади. Ёш кучукларни онасидан ажратиш 5 кун мобайнида 6-7 ҳафталигида амалга оширилади. Онасидан ажратилгандан кейин қатъий меъёр асосида озиқлантирилади.

Ёш итлар фақатгина янги тайёрланган озукалар билан озиқлантирилади. Ёш итлар 2 ойликгача 6 марта, 2 - 4 ойликгача 5 марта, 4 - 5 ойликгача 4 марта, 5 - 6 ойликда 1 кунда 4 - 3 марта озиқлантирилади. 7

ойликдан бошлаб катта итлар рационига ўтказилиб бир кунда 2 марта озиқлантирилади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Хизматдаги итлар бирор бир ишни бажариш учун хизмат қилмайдиган итларга нисбатан кўшимча тўйимлик моддалар талаб қилади.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидаги итлар рационини таҳлил қилинганида улар структураси тахминан кўйидагича эканлиги қайд этилди: гўшт ва суп махсулотлари 40 %, крупа. нон 50 %. картошка ва сабзавот 10 %. Катта ёшдаги хизматчи итларнинг (овчарка) ҳафталик тахминий рационини: гўшт ҳар куни 400 г, сули крупаси 600 г (3,5,7 кунлар) пшено 600 г (2,4,6 кунлар), картошка 200 г (2,4,6 кунлар) сабзи ва карам 200 г (1,3,5,7 кунлар), гўшт суяк уни 50 г (1,3,5,7 кунлар), балиқ уни 50 г (2,4,6 кунлар), ҳар куни ҳайвонот ёғи 25 г ва ош тузи 15 г берилар экан. Ҳафтанинг 3-4 кунда хом гўшт берилади. Хизматчи итлар бир кунда 2 марта эрталаб ва кечкурун ишдан 1-2 соат олдин ва 1 соат кейин озиқлантирилади.

Итларни озиқлантиришда ҳайвонлар ва ўсимликлардан олинадиган озуқалардан фойдаланилади.

Итларга бир кунда бериладиган асосий озуқалар меъёри.

- жадвал

Озиқавий махсулотлар ва қўшимчалар	Катта ёшдаги итлар	Ёш кучуклар			
		1-ойлик гача	1-3ойлик гача	3-6 ойгача	6-ойдан катта
Гўшт ва ичак	100- 400	30-50	60-150	160-150	350
Қорин	300	50-150	200	200-300	100
Сут	1000	10-20	400	60-100	200
Творог	200- 500	30-50	30-50	120-150	2000
Куруппа	200- 400	20-30	60-100	70-100	150

Нон	200-300	20-30	30-50	100-120	150
Картошка	100-200	20-30	40-100	80-100	100
Забзавотлар	80-100	1-3	40-70	4-6	10
Ҳайвонлар ёғи	20-25	-	3-4	25-40	50
Гўшт-суяк уни	50-100	2-4	10-20	10-13	15
Суяк уни	10-15	0,5	5-10	3-5	8
Балиқ ёғи	10-15	0,5-1,0	1-3	2-4	6
Ачитқи	5-10	Кунаро	1-2	-	-
Товуқ тухуми	-	0,5	Кунаро	5-8	10
Ош тузи	10-15	-	3-5	-	-

Ҳайвонлардан олинадиган озукалардан ёғсиз гўшт (от, қорамол, қўй, чўчка, ёввойи ҳайвонлар, парранда, кемирувчи, денгиз ҳайвонлари, ит, қорамол ва бошқа турдаги ҳайвонлар эмбрионлари). Жигар, буйрак, ўпка, юрак, мия, тил, талоқ, корин, диафрагма, кекирдак, елин, оёқ, дум, лаб, ҳайвонлар қулоғи, хом ёки пишириб бериллади.

Бундан ташқари итларга суяк, ҳайвонлар қони, гўшт ва суяк уни бериллади. Катта ёшдаги итлар рационидида гўштнинг салмоғи 25-30 % дан кам бўлмаслиги керак. 2 даражали маҳсулотлар ўпка, корин ва ҳокозолар 30 %дан ошмаслиги керак. Итларга сут (сигир, эчки, қўй, бия сутлари), сут маҳсулотлари (творог, қатиқ, пишлок, сметана, сариёғ), сут қолдиқлари (обрат, зардоб) тавсия этилади. Сут ва сут маҳсулотлари катта ёшдаги итлар рационидида талаб қилинадиган энергияга нисбатан 3-5 % ташкил қилади.

Итларга балиқ, балиқ қолдиқлари, балиқ ёғи, тухум, ҳайвонлар ёғи бериллади. Булар рационда 3 % атрофида бўлиши керак. Ўсимликлардан олинадиган озукалардан бошоқчилар уни, нон, крупа, сабзавотлар, илдиз мевашиликлари бериллади. Уларнинг салмоғи 60-70 % ни ташкил этади. Қўшимча озукалардан ачитқи, витамин препаратлари, суяк уни, нордон

фосфотли калций, глицерофосфат, бўр, тухум қобиғи, ош тузи, микроэлемент тузлари берилиши зарур.

Ит ётқизиш усулини бажариши маскировка мақсадида ёки от устида махсус эгарда транспортировка қилиш учун керак.

Шартли қўзғатувчилар: “Ёт” деган оғзаки буйруқ ва елка чизигидан озрок юқориюқдан ва олдинга узатилган ўнг қўлнинг кескин туширилиши. Шартсиз қўзғатувчилар: ит яғринига босиш, олдинги оёқларини олдинга тортиш билан биргаликда, тасмани силташ, ширинлик бериш.

Шартли рефлекслар пассив ҳимояланиш ва овқат реакциясига қарши ишлаб чиқилади. Ётқизишни, “ўтир” деган буйруқнинг шартли рефлексини ишлаб чиқилгандан кейин бажариш мумкин. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф. Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А. Хасанов, 1990).

Итни ётқизиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

а) “силташ”, “чалиш” – ит иккала олдинги оёғини олдинга чўзиши учун уларнинг орқа тарафидан секин олдинга қаратиб уриш билан бирга яғринга босиш;

б) иккала оёғини олдинга тортиб яғринга босиш.

в) бўйин тасмасини пастга ва олдинга тортиб яғринга босиш.

г) ширинликни қўллаш: ўнг қўлдаги ширинликни итга кўрсатиб, қўлни ширинлик билан олдинга ва пастга ҳаракатлантириб “ёт” деган буйруқни қайтариш.

Охирги иккита усулни, оёқларга қўлни тегизишга қўймайдиган, ҳаддан ташқари жахлдор итларни ўргатишда қўлланилади.

Биринчи ва иккинчи усулларда машқлар қуйидагича олиб борилади:

Ўргатувчи итни чап оёғи олдида ўтқизиб, унга қараб юзи билан бурилади ва ёнига ўтиради ёки чап тиззасига туради. Итнинг лақабини айтиб, “ёт” деган буйруқни беради, шундан сўнг чап қўли билан унинг яғринига босади ҳамда бир вақтнинг ўзида ўнг қўли билан итнинг олд оёқларини олдинга “чалади” ёки тортади. Ит ётгандан кейин, уни “яхши” деган сўз билан тақдирлаш, уни силаб ширинлик бериш лозим. Итни ётган

ҳолатда 5-10 сония ушланади, кейин унга ширинлик берилади ва эркин қўйиб юборилади. Агарда ит ётгандан кейин бирданига туришга ҳаракат қилса, “ёт” деган буйруқ жиддий оҳангда берилади ва унинг яғринига босилади. Бир оз танаффусдан кейин машқ қайта такрорланади.

Агарда ётқизиш тасма ёрдамида амалга оширилса, бўйинбоқнинг ҳалқаси пастга қаратилиши лозим.

Шартли рефлекс ишлаб чиқилиши билан итга нисбатан қўйиладиган талаблар оширилади: ётган ҳолатда кераклигича сақланилиши ва ўргатувчи билан ит орасидаги масофа узоқлаштирилади.

. Агарда ит бирламчи “ёт” буйруғига асосан ётиб, шу ҳолатда ўргатувчи икки қадам узоқлашишига қарамасдан 15-20 сония сақланса, унда ишорали шартли рефлексини ишлаб чиқишга ўтилади. Бунинг учун итни ўтқазиб ва ундан бир-икки қадам узоқлашиб, ит тарафга ўгирилиш керак. Ўргатувчининг чап қўли билан тасма тортилади, ўнг қўли олдинга ва юқорига бош баландлигича кўтарилади, кўтарилган ўнг қўл туширилиши вақтида, бўйин тасмаси тортилиб “ёт” деган буйруқ айтилади ва ит ётишга мажбурланади. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф. Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А. Хасанов, 1990).

Бунда ўргатувчи бўйин тасмасини пастга тортиш учун аввал энкайиши керак. Ит ётиши билан унга ширинлик берилиб “яхши” деган буйруқ билан сийлаб, сийпалаш керак. Имо-ишора билан итни ётқизиш бир неча марта қайта бажарилади.

Имо-ишора шартли рефлексини ишлаб чиқишда уни ўргатиш билан параллел ҳолда мураккаблаштириш зарур, яъни:

- а) Итнинг ётган ҳолатда ушлаб турилиши икки-уч дақиқага кўпайтирилади;
- б) Ўргатувчи ва ит орасидаги масофа узоқлаштирилади;
- в) Итни ҳар хил ҳолатдан ётқизишга интилади.

Мураккаблаштириш тамойилинининг кетма-кетлигини сақлаган ҳолда, у дастлаб ўтқазиш буйруғидан бажарилади, лекин бунда албатта ит танасини

тўғри ушлашига эътибор бериш лозим. Ит шу ҳолатда ушлаб турилгандан кейин, унга албатта ширинлик берилади. Ит ҳар хил кетма-кет бажариладиган ҳаракатдан кейин аввалги жойидан жилмасдан, ҳамма вақт тўғри ҳолатни сақлашни талаб қилиш керак. Итнинг масофадан бошқарилиши алоҳида буйруқ ва имо-ишора билан амалга оширилади.

Ўргатиш даврининг якунида барча керак бўлган кўникмаларни ит сўзсиз бажаришига эришмоқ лозим. Агар ит 25-30 м масофадан берилган буйруққа итоатлик билан ётса ва бу ҳолатда 5 дақиқа сақланса, кўникма ишлаб чиқилган бўлиб ҳисобланади.

Итни тик туришга ўргатиш ташқарига чиқариш, тозалаш, махсус анжомларни кийгизиш ва экстерьерга тўғри баҳо қўйиш учун қўлланилади.

Шартли қўзғатувчилар: “Тик тур” буйруғи берилади ёки чап қўл кафти юқорига қаратилган ҳолда олдинга йўналтирилиб, елка баландлигида кўтарилади.

Шартсиз қўзғатувчилар: чап қўл билан итнинг қорнига таъсир қилиш, бўйин тасмасини тортиш, ширинлик бериш ва сийпалаш. Бу кўникма пассив ҳимоя ва озуқа реакциясида ишлаб чиқилади.

Итни тик туришга ўргатишни “ўтир”, “ёт” буйруқларга шартли рефлекслар ишлаб чиқилганидан кейин бошлаш лозим ва бошқа умумий ўргатиш усуллар билан бирга олиб борилади.

“Тик тур” буйруғига шартли рефлекснинг ишлаб чиқилиши атроф-муҳит мураккаб бўлмаганда амалга оширилади. Бу кўникма қарама-қарши усулда ишлаб чиқилади. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф. Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А. Хасанов, 1990).

Ўргатувчи ўтирган итнинг ўнг тарафидан жойлашиб “тик тур” деган буйруқни беради ва 1-2 сония ўтгач ўнг қўли билан бўйнидаги тасмани олдинга қаратиб силтайди, шу билан бир вақтда чап қўли билан итнинг қорнига таъсир қилиб уни кўтаради. Ит тик тургандан ўргатувчи уни сийпалаб, “тик тур”, “яхши” деган буйруқни қайтариб ширинлик беради.

Агарда ит ўтиришга ҳаракат қилса, ўргатувчи яна чап қўлини ит корнининг тагига ўтказиб, уни тик турган ҳолатда ушлаб туради ва “тик тур” деган буйруқни қайтариб туради. Ит 5-10 сония шундай ҳолатда ушлаб турилгандан кейин сайр қилинади. “Тик тур” буйруғига шартли рефлекс ишлаб чиқилишида, ит ўргатувчи ёнида қимирламай туриши ҳам параллел ҳолда ишлаб чиқилади.

Агарда ит “тик тур” буйруғига биноан ўрнидан турса ва шу ҳолатда 15-20 сония сақланса, унда имо-ишора шартли рефлексини ишлаб чиқишга ўтиш мумкин. Имо-ишора шартли рефлексини ишлаб чиқиш мақсадида, ўргатувчи итни бир кадам нарига ўтказиб ва ўнг қўли билан “тик тур” имо-ишорасини кўрсатиб “тик тур” буйруғини айтиши лозим. Ит тургандан уни шу заҳотиёқ ширинлик билан сийлаш ва сийпалаш керак. Итга ўз мақсадини тўлиқроқ англатиш учун ўргатувчи “Тик тур” имо-ишора ва буйруқ билан бир вақтда ит бўйнидаги тасмани ўз тарафига силташ лозим.

Ўргатувчи итдан узоқ турганда унинг сабр-тоқатини ишлаб чиқиш учун машқ, ўтказиш ва ётқизиш машқларни ўргатиш тартибида олиб борилади. Тик турган ит жойидан ўргатувчи томонига интилишини эътиборга олиш керак, шунинг учун итдан масофани аста-секин узоқлаштириш лозим. Кейинчалик итни ҳар хил ҳолатда тик туришига эришиш керак. Бундан ташқари уни буйруқ ёки имо-ишора билан зинапоя ёки болорда ҳаракат қилган вақтда тўхтаб туришига ўргатиш керак бўлади.

Итни тик туришидаги ҳолатларини доимо тўғрилаб бориш керак. Тик туришнинг тўғри ҳолати - ит олдинги ва орқа оёқларини тўғри ва текис ушлайди, танасини яхши чўзади, бошини тик ушлайди (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А.Хасанов, 1990).

Агар ит ўргатувчининг буйруғини ва имо-ишорасини ташқи муҳитнинг ҳар хил шароитида бўйин товламасдан бажарса, танасини тўғри ушлаб, шу ҳолатда беш дақиқа турса, тик туриш кўникмаси ишлаб чиқилган бўлиб ҳисобланади.

Итнинг эмаклаши хизматни олиб бориш вақтида қўлланилади. Хизматчи ит ўргатувчининг имоси бўйича у билан биргаликда ёки ўзи эмаклаб келиши лозим.

Шартли қўзғатувчилар: “Эмакла” буйруғи, ўнг қўл билан бажариладиган имо-ишора ва ўргатувчининг эмаклаш ҳаракати.

Шартсиз қўзғатувчилар: итнинг бўйин тасмасини олдинга тортиб, яғрин қисмига босиш, ширинлик бериш ва сийпалаш.

Бу кўникма пассив ҳимоя ва озуқа реакциясида ишлаб чиқилади.

“Эмакла” деган буйруққа шартли рефлексни ишлаб чиқиш учун текис, бегона нарсалардан ҳоли майдонча топилади. Ўргатувчи “ёт” деган буйруқни бериб, итни ўзига нисбатан чап тарафига ётқизади. Шундан сўнг у итнинг тасмасини ўнг қўли билан бўйинбоғига яқинроқ жойидан ушлаб ва чап қўлини итнинг яғринига секин қўйиб, “эмакла” буйруғини беради ҳамда ўзи олдинга ҳаракат қилишни бошлайди ва итни тасмаси билан тортади.

Бошида ит туришга ҳаракат қилади. Бундай ҳолларда ўргатувчи “эмакла” деган буйруқни бериб, итни яғринига секин босади ва кўтарилишига қўймайди. Агарда ит кўтарилмасдан эмаклашни давом эттирса, ўргатувчи “эмакла”, “яхши” деган буйруқни айтиб, ширинлик беради ва сийпалайди. Эмаклаш итни тез чарчатади, шунинг учун биринчи дарсларда бир-икки метрдан зиёд эмаклатиш мақсадга мувофиқ эмас. Итда “эмакла” деган буйруққа шартли рефлекс ишлаб чиқилса, у 10-12 метргача масофани эмаклаб, шартсиз рефлексларнинг таъсирисиз усулни бажаради.

Имо-ишорага шартли рефлексни ишлаб чиқиш қуйидагича амалга оширилади. Ўргатувчи итга қараган ҳолда ундан орқаси билан тисарилади, ўнг қўлини тиззадан пастга туширади ва панжани силкитиб “эмакла” деган буйруқни қайта-қайта такрорлайди. Агар ит бир неча қадам эмакласа, унга бирданига ширинлик бериб тақдирлаш лозим. Ёки қуйидаги усулдан ҳам фойдаланиш мумкин: панжани силкитиш билан биргаликда чап қўлидаги бўйин тасмасини ўзига қаратиб тортиш. Бу машқни ширинлик бериш билан ҳам амалга ошириш мумкин, бунинг учун қўл панжасида

ширинликни ушлаб, уни силкитиш лозим. Кейинчалик аста-секин эмаклаш масофасини узайтириш мумкин. (Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).

Шартли рефлекс ишлаб чиқилгандан кейин ўргатувчи ит билан биргаликда эмаклаб уни буйруқ ёки имо-ишора билан бошқаради. Шу билан биргаликда итни ётган, ўтирган, ҳаракат қилган вақтида ҳам уни эмаклашга мажбур қилиб туриш керак.

Ўргатувчи ётган ҳолатда итни буйруқ ёки имо-ишора билан бошқаришни пухта эгаллашлиги катта аҳамиятга эга. Агар ит ўргатувчининг биринчи сигнали бўйича ёки у сиз 15-20 м масофани вақти-вақтида дам олиб яна эмаклашни бошласа, унда эмаклаш кўникмаси ишлаб чиқилган деб ҳисобланади.

Итни апортировкага ўргатиш умумий дрессировканинг асосий усули бўлиб у махсус дрессировкага тайёрлаш босқичи бўлиб ҳисобланади. Ўргатувчининг бирламчи сигнали бўйича ит бош тортмасдан нарсаларни излаб топиб келтириб бериши лозим.

Шартли қўзғатувчилар: буйруқлар – “апорт”, “олиб кел”, “бер”, “изла” ва имо-ишора сифатида ўнг қўлни ташланган нарса томонга йўналтириш.

Шартсиз қўзғатувчилар: апортировка буюми, ширинлик, силаш.

Итларда ҳаракат қилувчи нарсаларни ушлаб олиш туғма реакциясининг мавжудлиги апортировкани ишлаб чиқишнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Бу реакция озуқа реакцияларининг бири бўлиб, у итлардаги қочиб кетадиган ҳайвонни қувиб ушлашга интилишнинг ифодаси бўлиб ҳисобланади. Итларни апортировкага ўргатишни бошлашдан олдин, у билан алоқани тиклаш ва “сайр қил”, “менга”, “ўтир” буйруқларига шартли рефлекслар ишлаб чиқилиши керак. Аппортировка машқи кейинчалик ўргатишнинг бутун даври мобайнида ҳам давом этилади. (Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).

Итни апортировкага ўргатишдан олдин апортировка буюмини тайёрлаш керак. Уни узунлиги 20-25 см ва диаметри 6-7 см келадиган дарахт шохи ёки ёғочдан тайёрлаш мумкин. Унинг ўрта қисми 3-4 см гача йунилиб, гантель шакли берилади. Бундай буюмнинг ўрта қисмини ит яхши ушлайди. Иложи борича апортировка буюмларини темир ёки юмшоқ материаллардан ясамаслик керак, чунки биринчиси жағларга оғриқ келтирса, иккинчисини ит тишлари билан йиртиб ташлайди. Итнинг ўзига хос хусусиятларини, яъни апортировка буюмига жавоб бериш даражасини эътиборга олиб, ҳар хил ўргатиш усулларини қўллаш мумкин.

Кўпгина итларда ширинлик билан сийлаш усули қўлланилади. Бу машқни икки хил усулда олиб бориш мумкин:

а) нарсани “жонлантормоқ”;

б) итнинг озуқавий қитиқланишга қўзғалиши (суяк, латтага ўралган гўшт ва бошқалар). Бу усул апортировка буюмига жавоб бермайдиган итларда қўлланилади.

Биринчи усулда ўргатиш қуйидагича олиб борилади: ит калта тасмада туради. Ўнг қўлида нарсани ушлаб ўргатувчи ит кўзининг олдида у билан ҳар хил ҳаракатлар қилиб “апорт” деган буйруқни беради (8 – расм). Нарсанинг ҳаракати кўпчилик итларда уни ушлаб олиш реакциясини туғдиради. Ит нарсани ушлаб олиши билан ургатувчи “апорт”, “яхши” буйруқларни беради ва нарсани ўзига қараб тортади, бунинг билан у ит буюмни кучлироқ ушлашини таъминлайди. 5-6 сониядан сўнг ўргатувчи “бер” деган буйруқни бериб ўнг қўли билан нарсани тортиб олади, чап қўли билан эса итга ширинлик беради.

Агар ит нарсани қўлдан яхши ушлаб оладиган бўлса, унда ўргатувчи нарсани ўзидан 2-3 м узоқроққа ташлаб, “апорт” буйруғини беради ва у билан бирга нарса томонига қараб ҳаракатланади ва “апорт” деган буйруқни бериб боради. Ит нарсани ушлаши билан ўргатувчи “яхши”, “апорт” буйруғини бериб яна орқасига қайтади. Агар ит нарсани (буюмни) унинг олдида олиб

келса, у “бер” деган буйруқни бериб, уни тортиб олади ва итга ширинлик беради.

Ит ўргатувчининг олдида яқинлашганда нарсани ерга ташлашига йўл қўймаслик керак. Ўргатувчи ҳар доим нарсани ўз қўли билан олишга улгуриши керак, шунинг учун ўргатувчи итни ўтқазиб қўшимча “Бер” оғзаки буйруғини беради.

Айрим итлар ташланган ёки ётган нарсани олмаслиги мумкин. Бундай вақтда нарсани “жонлантириш” лозим, яъни қўли ёки оёғи билан нарсани четга ташлаш керак, бундай ҳаракат итда нарса орқасидан чопишга ва уни ушлаб олишга ундайди.

Айрим итлар ёғочдан ясалган нарсага эътибор бермайди. Бундай пайтда апортировка буюми итни қизиқтирадиган нарсадан тайёрланади. Масалан, латта, резин, чармдан ясалган ёки ялтироқ нарсани қўллаш мумкин.

Керак бўлганда китикловчи сифатида озуқанинг ҳиди бор нарсалар: латтага ўралган гўшт, суяк, гўшт ёки гўштга тўлдирилган картон найча ишлатилади. Гўштнинг ҳиди озуқа реакциясини чақиради ва апортировка буюмини ушлашга ундайди.

Агарда ит “апорт” (олиб кел) буйруғига жавоб берса ва 3-4 қадам нарига ташланган нарса орқасидан далиллик билан югурса ҳамда уни ўргатувчига олиб келса, бирламчи шартли рефлекс ишлаб чиқилган деб ҳисобласа бўлади.

Кейинчалик қуйидаги машқлар бажарилади:

- а) имо-ишорага шартли рефлексни ишлаб чиқиш;
- б) нарсани ташлаш масофасини узоқлаштириш;
- в) ҳар хил нарсаларга итни апортировка қилишга ўргатиш;
- г) апортировкадан олдин итда тоқатлилиқ бўлишини ишлаб чиқиш;
- д) нарсани ушлаб ўргатувчининг олдида ўтириш кўникмасини ишлаб чиқиш;
- е) буйруқ ёки имо-ишорага жавобан излаш кўникмасини ишлаб чиқиш.

Барча машқлар параллел олиб борилади. Фақат улар мураккаблигига қараб кетма-кет қўшилиб туради. Энг аввало имо-ишорага шартли рефлекс ишлаб чиқирилиши зарур. Бунинг учун нарсани улоқтириб, ит ушлаб турилади, шундан сўнг имо-ишора берилади ва уни “апорт” буйруғи билан тасдиқлаб, ит нарса тарафига йўналтирилади(Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).

Итлар коровулда турганда хуриш билан бегона одамни яқинлашганлиги ҳақида, осилган оғир нарсаларни кўрганда ёки итлар етолмайдиган жойда одамни яширилганлиги ҳақида хабар беради.

Шартли қўзғатувчилар: “Товуш” буйруғи, ўнг қўлни елкагача кўтариб кафти олдинга қаратилган ҳолда қимирлатиш ишораси ёки бармоқлари билан кирсилатган товуш чиқариш.

Шартсиз қўзғатувчилар: ширинлик, апортировка буюми, ёрдамчи.

Итларда хуришни озуқа, тахминий ва фаол ҳимоя реакцияси асосида чақириш мумкин. Итни хуришга ўргатишни ўтқизиш, ётқизиш ва апортировка буйруқларини тўла-тўқис бажарилишини амалга оширгандан кейин бажариш керак.

Хуришга кўникмаларни ҳосил қилишда буйруқ ва имо-ишора шартли рефлекслар бир вақтда ишлаб чиқарилади. Шунинг учун олиш керакки, ит умумий қўзғалиш вақтида ҳуради. Умумий қўзғалиш ҳар хил қўзғатувчилар билан чақирилиши мумкин. Хуриш қуйидагилар билан чақирилади: а) ширинликка; б) ёрдамчига; в) апортировка буюмига ва бошқа қўзғатувчиларга.

Дрессировкада у ёки бу усулни қўллаш, ит қайси қўзғатувчига кучли таъсирланиши ва қўзғалишини аниқлаш билан боғлиқ.

Ўргатувчи итнинг қаршисига ўтқизиб тасмани ерга ташлаб ва ит сакраганда етмайдиган қилиб оёғи билан босиб туради. Шундан сўнг ўнг қўлига бир туюр гўшт олиб итнинг олдида қимирлатиб хуриш пайдо бўлгунча қўзғатади ва бир вақтда “Товуш” буйруғини беради. Табиий бошида ит гўштни илиб олишга ҳаракат қилади, лекин унга етолмаганлиги

учун кўзғалади ва хуради. Ит хуришни бошлаши билан гўшти бериб сийпалаш керак. Бу усулнинг натижа бериши учун ўргатувчи ва ит орасидаги алоқа яхши бўлиши керак, айниқса итда озиқа реакцияси устун турса. Шартли рефлексни тезроқ ишлаб чиқиш учун итни озиқлантириш жараёнидан ҳам фойдаланиш мумкин. Итни овқати солинган одишини ўргатувчи ит етолмайдиган масофага кўяди. Ит бунда кўзғалади ва сакраб чийиллайди ёки хуради. Шу вақтда ўргатувчи “Товуш” буйруғини беради, ит фаол хуришни бошлагандан кейин овқатини бериб “Товуш”, “Яхши” буйруғини рағбатлантирувчи овоз билан айтади. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф. Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А. Хасанов, 1990).

Апортировкага қизиқадиган кўп итларда “Товуш” буйруғи шартли рефлексини ишлаб чиқишда уни апортировка буюмига кўзғатиш йўли билан амалга ошириш мумкин. Ўргатувчи итни кўзғатиш учун буюмни ит етолмайдиган баладникка кўтаради. Ит апортировка буюмини олишга интилиб кўзғалади ва хура бошлайди. Буюм билан ғашига текканда ўргатувчи “Товуш” буйруғини қайта-қайта такрорлайди. Ит хуришни бошлаши билан ўргатувчи апортировка буюмини бериб сийпалайди. Шундан сўнг буюмни олиб, ширинлик беради.

Хуришни чақириш бошланғич машқларда ўргатувчи ширинликни ит хуришга ҳаракат қилган вақтда ҳам берилиши керак. Итда буйруққа ва имо-ишорага шартли рефлекс ишлаб чиқилгандан кейин ширинлик кам берилиб, ит “яхши” буйруғи ва сийпалаш билан рағбатлантирилади.

Итда хуриш шартли рефлекси буйруқ ва ишора билан ишлаб чиқилгандан кейин, шу шартли рефлексларни мустаҳкамлаш машқларига ўтиб ўрта мураккаб шароитда кўникма ҳосил қилдирилиб бошқа умумий дрессировка усуллар комплексига киритиш керак.

Бунинг учун:

- а) ўргатувчи ва ит орасидаги масофага узоқлаштирилади;
- б) итни ҳар хил ҳолатда бўлганида хуришни чақириш.
- в) кўникма алоҳида буйруқ ва имо-ишорага мустаҳкамланади.

Итдан узоқлашиб, хуришни чақириш ҳар хил ҳолатда (ётиб, ўтириб, тик туриб)ги машқлар бошқа усуллар билан параллел ишлаб чиқилади.

Дрессировканинг якуний босқичида хуришни чақириш бошқа махсус дрессировка усуллари билан комплекс равишда олиб борилади. Бу шу нарса учун керакки, ит ўргатувчига одамни, оғир ва осилган нарсаларни топганлиги ҳақида, айрим пайтларда ўргатувчи итни ва одамни кўрмаган ҳолларда ҳам хабар беради. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф. Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А. Хасанов, 1990).

Бу кўникма қуйидагича ишлаб чиқилади:

Худудда тинтув ўтказган вақтда ёрдамчи ўргатувчининг топшириғига биноан шу участкада из, оғир ва осилган нарсаларни қолдиради. Ит оғир ва осилган нарсаларни топса ўргатувчи буйруқ ва имо-ишора билан унда хуришни чақиради. Ёрдамчи ит тополмайдиган, етолмайдиган жойларга яширилади. Ит ёрдамчини излаб топгандан кейин ўргатувчи унда хуришни буйруқ ва имо-ишора билан чақиради. Агар ит хурмаса ёрдамчи унинг ёшига тегиб хуришга мажбур қилади.

Бу машқлар такрорий бажарилгандан кейин итда оғир, осилган нарсага ва одамга мустақил хуриш кўникмаси ҳосил бўлади.

Агар ит ўргатувчини бирламчи буйруғи ва имо-ишорасига хурса ва мустақил нарса ва одамни топгандан кейин ҳам уни бажарса кўникма ишлаб чиқилган деб ҳисобланади.

Баджаҳллик кўникмасини ривожлантириш жараёнида итда бегона одамларга нисбатан кучли фаол-ҳимоя реакцияси пайдо бўлади.

Шартли қўзғатувчи - “Фас” буйруғи ва ўнг қўл билан ёрдамчи томонга йўналтирилган имо-ишора.

Шартсиз қўзғатувчи – ёрдамчи томонидан итни хивчин ёрдамида ҳар хил куч билан уриш.

Баджаҳлликни ривожлантиришда итнинг фаол-ҳимоя реакциясига асосланади. Итда баджаҳлликни ривожлантириш ит билан ўргатувчининг муносабатлари яхши бўлгандан кейин амалга оширилади.

Баджахлликни ривожлантириш: биринчи машғулотларда итда дадиллик, ёрдамчи уришидан кўркмаслик, у кийган махсус кийимини тез ва маҳкам ушлаш ўргатилади, бунда ит боғланган ҳолда туриши керак. Дрессировка учун итни чалғитувчи нарсалар бўлмаган жой танланади, у ерда ёрдамчи учун табиий пана жойлар бўлиши керак. Ит боғланадиган жойда кесувчи, қадалувчи ва бошқа бегона жисмлар бўлмаслиги керак. Ёрдамчи махсус кийим кийиб, хивчинни қўлга олади ва ўргатувчи кўрсатган жойда туриб унинг ишораси бўйича ҳаракат қилади. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф. Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А. Хасанов, 1990).

Ўргатувчи итнинг ўзига хос хусусиятларини яхши билиши керак, яъни ёрдамчи қўллайдиган кўзғатувчилар шундай кучга эга бўлиши лозимки, улар итда фаол-ҳимоя реакциясини (баджахлликни) чақириб, итнинг хужумкорлик реакцияси ҳар сафар унинг ғалабаси билан тугалланиши керак. Шундан сўнг ёрдамчи кўрсатилган пистирмада жойлашади, ўргатувчи итни шу жойга олиб келиб дарахтга ёки устунга занжир билан боғлаб қўяди.

Ит тинчлангандан кейин ёрдамчи белгиланган ишора бўйича пистирмадан чиқади ва қўлидаги хивчинни ерга уриб аста-секинлик билан итга яқинлашади. Ўргатувчи қўли билан ёрдамчи томонга кўрсатиб “Фас” буйруғини беради ва кўрсатган баджахллиги учун итни силаб, “яхши” деб уни рағбатлантиради.

Ёрдамчи итга яқинлашади, қўлларини силтаб унинг ёнида хивчинни ерга уради ва бир неча марта уни итнинг биқинига тегизиб олади. Ит етарлича ғазаблангандан кейин ўргатувчи ёрдамчига имо-ишора билан унинг ҳаракатларини тўхтатади, шундан сўнг ёрдамчи қайтиб пистирмага киради. Ўргатувчи итни силаб тинчлантиради, 2-3 дақиқадан сўнг машқ бажарилади.

Итда баджахлликни ривожлантириш жараёнида ўргатувчи керакли пайтни аниқлаб, ёрдамчининг ҳаракатини тўхтатиши керак. Итнинг кўзғалиши юқори даражага етганда унинг ғашини келтиришни тўхтатиш лозим. Ҳаддан ташқари ғашини келтириш итда чегарадан ташқари

тормозланишга олиб келади. (Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).

Бир неча машғулотдан кейин итда баджаҳллик ва уришдан кўрқмаслик ривожлангандан кейин, итни латта нарсаларни ва махсус енгни қаттиқ ва чаққонлик билан ушлашга ўргатиш керак. Бунинг учун ёрдамчи хивчин билан уриб итнинг жаҳлини келтиради ва латтани итнинг устидан токи уни ушлаб олмагунча ҳаракатлантиради. Агар ит қаттиқ ушламаса ёрдамчи латтани ўзига қаратиб тортади. Бу билан тиш билан тутишни кучайтиради. Кейинчалик латтанинг ўрнига қаттиқроқ мато ёки махсус пахтали енгдан фойдаланиш мумкин. Шу билан биргаликда сакраб ушлашни параллел ўргатиб бориш лозим.

Айрим итларда баджаҳллик жуда суст ва секин ривожланади. Бундай ҳолатларда тақлидий усулни қўллаш мумкин, бунинг учун кўрқоқ итни баджаҳл итнинг ёнига боғлаш керак. Баджаҳл итнинг агрессив реакцияси кўпгина ҳолларда кўрқоқ итларда ҳам баджаҳлликни чақиради.

Агар итда бегона шахсларга нисбатан ишончсизлик, уришдан кўрқмаслик ва нарсаларни маҳкам ушлаш кўникмалари ривожланган бўлса, дрессировка шароити мураккаблаштирилади.

Ёрдамчи итни ғашига тегиши вақтида ўргатувчи аста-секин итдан узоқлашиб уни буйруқ бериб бошқаради. Машғулот вақтида итга ёрдамчини бир жойда ушлаб туриш кўникмаси ўргатилиб борилади, яъни итга махсус дрессировка костюмини кийган ёрдамчининг елкаси ва орқасига сакраб ушлаш ўргатилади. Бундай ушлаш тўғри, чунки у одамни фаол қаршилик кўрсатишдан маҳрум қилади. Итда бир пайтда тўғри ушлаб туриш кўникмасини ишлаб чиқиш учун ёрдамчи махсус дрессировка костюмини кийиб, итнинг ғашига тегади ва унинг ёнида шундай ҳаракатланадики, итга унинг елкасидан ушлашга имконият яратади. Бу ўргатувчи ва ёрдамчи бири-бири билан тўғри муносабатда бўлиши билан амалга оширилади. Ёрдамчи елкасини ит тарафига энгаштиради, ўргатувчи шу вақтда итни занжиридан ушлаб ўз томонига тортади, бунда ит сакраб ҳаракат қилиши учун тасманинг

ортикча қисми бўлиши керак. Ёрдамчи итга яқинлашганда ўргатувчи унга сакраб ёрдамчининг елкасидан ушлашга ёрдам беради. Шундан сўнг ёрдамчига “Тўхта” деган буйруқ берилади ва у ҳаракатларини тўхтатади. Ўргатувчи итни силаб, “яхши” деб рағбатлантиради ва тинчлантиради. Агар ит ёрдамчининг костюмини маҳкам ушлаб, қўйиб юбормаса “Фу” деган буйруқ берилади ва тасма силтаб тортилади. Ўргатувчи итдан 1-2 кадам четлашиб “Ёнимга” буйруғини бериб, тасмани ўз тарафига тортади. Итни чап оёғи ёнига ўтказиб, ёрдамчига “Ёт” деган буйруқ беради ва итни сайр қилишга олиб кетади. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф. Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А. Хасанов, 1990).

Ёрдамчи ушлангандан кейин ўргатувчи ундан тўрт-беш кадам узоқроқ масофада туриб итни ёнига ўтказди ва “Қўриқла” деган буйруқни беради. Ит тинчлангандан кейин ўргатувчи ёрдамчига “Қадам ташлаб юр” буйруғини беради ва ушланганнинг орқасидан 2-3 м узоқликда юриб боради. Ит ўргатувчининг ёнида калта тасмада ушлаб борилади. Ҳаракатнинг бошланишида итга “Қўриқла” деган буйруқ берилади. Шунга қарамасдан ит бўйинбоғни ва тасмани тортиб олдинга интилади. Ўргатувчи кучли товуш билан “Ёнимда” деган буйруқни бериб тасмани орқага силтаб тортади. Агар ит тинч юриб ушланганни кузатиб борса ўргатувчи уни рағбатлантиради. Ёрдамчини машғулотнинг раҳбари турган жойгача олиб бориб уни топширадилар. Агар раҳбар бўлмаса 100 м қўриқлаб борилиб, ўргатувчи ёрдамчига “Ёт” деган буйруқни беради, итни эса четга олиб, силаб, ширинлик беради.

Итда ҳар доим қўриқланадиганга нисбатан сезувчанлик кўникмасини ишлаб чиқиш учун ёрдамчи ҳаракат қилган вақтида елка орқали итни кузатиб боради, ит бир зумга бирор бир нарсага чалғиса, у қочишга ҳаракат қилади ёки уни уради. Шу вақтда ўргатувчи “Фас” буйруғини бериб қочиб бораётганни ушлайди. Шундан сўнг қўриқланадиган (ёрдамчи) вақти-вақтида ўргатувчига айёрлик қилиб ташланади. Ўргатувчи хужум қилган билан курашиш вақтида итга “Фас” буйруғини беради, ит ёрдамчига ташлангандан

кейин “Яхши” деб уни рағбатлантиради. Шундай қилиб итда эгасини ҳимоя қилиш кўникмаси ҳосил бўлади. (Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).

Кейинчалик итда бир жойда турган одамни кўриқлаш кўникмаси ҳосил қилинади. Бунинг учун кўриқлаш вақтида ўргатувчи бир неча марта ёрдамчини тўхтатади, итни ўткизади ва тасмани ечмасдан четга чиқиб итга шу захоти “Кўриқла” буйруғини беради. Буйруқни эшитган ит диққат билан эркин турган ёрдамчини кузатади. Агар ит бирор бир нарсага чалғиса ёрдамчи қочишга ҳаракат қилади, бундай ҳолатда ўргатувчи итни ушлашга юборади. Шундай қилиб итда эркин турган одамни кўриқлаш кўникмаси ҳосил бўлади.

Шундан сўнг ит ёрдамида иккита ёки ундан кўпроқ одамларни кўриқлаш амалга оширилади. Улар қочган вақтида ит ушлаш учун қўйиб юборилади ва у узоққа қочгани кетидан бориб ушласа, ўргатувчи яқиндагиларни ушлайди. Агар ит ўргатувчини буйруғига биноан битта ёки бир нечта одамни ушласа ва уларни кўриқласа кўникма ҳосил бўлган деб ҳисобланади.

Итларни одамнинг нарсасидаги ҳиди бўйича излаб топишга ўргатиш катта аҳамиятга эга, чунки бир гуруҳ одамлар орасидан ит изланаётган одамни у йўқотган ёки қолдирган нарсалари бўйича топиб беради. Бундан ташқари итда из билан ишлаган вақтда ҳидларни ажратишга кўмак беради.

Шартли қўзғатувчилар: асосий буйруқ - “ҳидла” ва ўнг қўли билан одамлар томонга йўналтириб ишора қилиш. Ёрдамчи буйруқлар – “яхши”, “апорт”, “бер” ва “фу” лар.

Шартсиз қўзғатувчилар: апортировка буюмлари, ёрдамчи ва ширинлик.

Итларни одам нарсасининг ҳиди бўйича излаб топишга ўргатишни бегона нарсаларни топиш кўникмаси ҳосил бўлгандан кейин бошласа бўлади.

Бошида итга “ҳидла” буйруғини бериб 3-4 ёрдамчи орасидан қидирилаётган одамни у қолдирган нарсалардаги ҳиди бўйича топишга

ўргатиш керак. Итда бу шартли рефлекс бир нечта усул билан ишлаб чиқилади. Ўрта ғазабли итни қуйидагича ўргатиш мумкин: 3-4 ёрдамчи махсус усти бош кийиб бир қаторга турадилар, ораси бир қадам. Битта ёрдамчи ўзини бирор-бир нарсасини уч-тўрт қадам нарироқда қолдиради. Ўргатувчи ит билан нарса олдига яқинлашади, пинцет ёрдамида олиб итга искатади ва “ҳидла” буйруғини беради, пинцет билан нарсани орқасига қўяди. Шундан сўнг буйруқ ва ишора билан итни нарсани эгасини топишга юборади. Бунда ит калта тасмада бўлиши керак. Бошида ит ёрдамчини топмаслиги мумкин, у одамларни ҳидлаб кетишга ҳаракат қилади. Бундай ҳолатда ёрдамчи плащини қимирлатади, ит буни сезиб ёрдамчини плащини ушлайди. Ўргатувчи итни рағбатлантириб “яхши” буйруғини беради ва тасмани тортади, ит ёрдамчини қатордан чиқаради. Ёрдамчи гуруҳдан чиққандан кейин ўргатувчи унга “тўхта” буйруғини беради. Ёрдамчи тўхтайди, ўргатувчи “ёнимда” буйруғини бериб итни ўзига тортади. Ит ўзини жойини эгаллагандан кейин ёрдамчи чопиб бориб гуруҳга қўшилади, фақат бошқа жойини эгаллайди, буни ит кўрмаслиги керак. Ёрдамчи қатордаги жойини эгаллагандан кейин ўргатувчи итга олдинги нарсани ҳидлашга беради ва уни яна одамни топишга юборади. Бу машқ ҳар сафар 2-3 маротаба қайтарилади. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф. Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А. Хасанов, 1990).

Одамни нарсаларда қолдирилган ҳиди бўйича топишни апортировка кўникмаси ва нарсаларни ҳидлаб ажратиш асосида олиб борилса яхши натижа олиш мумкин. Бунинг учун олдин итни бегона нарсаларни ажратишга ва бошқа ўргатувчининг қўлида бўлган эгасини нарсасини бетўхтов олиб келишга ўргатиш машқларини бажариш керак. Бу машқ бажарилгандан кейин одамни нарсалардаги қолдирилган ҳиди бўйича топиш қуйидагича ташкил қилинади: учта-тўртта ёрдамчи бир хил устибош кийиб қаторга сафланади. Ёрдамчилардан биттаси ўзини нарсасини тўрт-беш қадам нарироққа қўяди. Ўргатувчи итни калта тасмада ушлаб бир-икки марта гуруҳ олдидан ўтказди. Кейин нарсани олдига бориб итга ҳидлатади ва эгасига

қайтариб беради, буни ит кўрмаслиги керак. Шундан сўнг “ҳидла” буйруғини бериб итни нарсани топишга юборади, ит нарсани топгандан кейин ёрдамчи олдинга бир қадам ташлаб нарсани беради. Ўргатувчи итни олдида тортиб нарсани олади ва рағбатлантириб ширинлик беради. Ит адашиб бошқа ёрдамчини нарсасини олса ўргатувчи “фу” буйруғини бериб тасмани силтаб тортиб нарсани қайтариб беришга мажбурлайди ва керак бўлган нарсани топишга юборади. Бир машқ давомида ит нарсани топишга 2-3 маротаба юборилади ва ҳар сафар янги нарса олинади. Вакт ўтгач нарсаларни ажратиб топиш шароитлари мураккаблашиб боради. Ит ҳидлаган нарсани эгасига бермасдан шу жойда қолдириб ёрдамчи бошқа нарсани ушлайди. Бундан ташқари ёрдамчи нарсаларни шимини тасмасини тагига, чўнтагига, енгига яширади. Ит нарсани топгандан кейин уни ёрдамчи бериши мумкин, ўргатувчи нарсани аста-секин олишга ўргатади. Бу машқнинг мақсади ит нарсани топгандан кейин ёрдамчига ташланмасдан уни устибошидан ушлашга ўргатишдир. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф. Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А. Хасанов, 1990).

Итда “ҳидла” буйруғи ва имоғишорага бирламчи шартли рефлекс ишлаб чиқарилгандан кейин машқлар ўртача мураккаб шароитда бажарилади:

- ёрдамчиларнинг сони 5-6 га кўпайтирилади;
- ёрдамчилар бир-бирига яқин туради, ўтиради, ётади;
- нарсаларни топиш сутканинг ҳар вақтида ва ҳар хил об-ҳаво шароитида бажарилади;
- ит нарсаларни топишга тасмасиз юборилади.

Ўргатишнинг якуний қисмида машқлар мураккаб шароитда одамни топиш кўникмасини ит бетўхтов бажаришини ишлаб чиқилади

- одамлар гавжум бўлган жойда ва ҳар хил қурилмаларда ажратиб топиш;
- ёрдамчилар сонини 7-8 тага етказиш;
- ит билан яқин муносабатда бўлмаган бир гуруҳ одамлар орасидан ажратиб топиш;
- бир гуруҳ одамлар ичидан навбати билан ёрдамчиларни ажратиб топиш.

Агар ит бўйин товламасдан 7-8 та одамлар гуруҳи орасидан одамни нарасадаги ҳиди бўйича ажратиб топса кўникма ҳосил бўлган деб ҳисоблана

2.3.2.Итларда йирингли жароҳатларни келтириб чиқарувчи этиологик омиллар ва уларнинг учраш даражаси.

Жароҳат тўқима нуқсони бўлиб, механик таъсуротлар натижасида ҳосил бўлади, бунда тери, тери ости тўқималари ва чуқурда жойлашган тўқималар зараланади, бунинг оқибатида кучли қўзғалиш бўлади. Бунда марказий нерв системаси, бош мия пўстлоғи бундан ташқари гипоталамус- гипофиз, буйрак ости пўстлоғи қўзғалади. Бунинг оқибатида анатомик маҳаллий ва физиологик умумий ўзгаришлар келиб чиқади. Ҳозирги вақтда шу нарсани аниқландики, жароҳат процессида маҳаллий ва умумий организмнинг реакцияси организмда келиб чиққан жароҳатларнинг оғирлигига, тўқима ва органларнинг зарарланиши ва шу билан бирга жароҳат инфекциясининг тури ва верулентлигига боғлиқ бўлади.

Организмнинг умумий ва маҳаллий реактивлиги, таъсир қиладиган факторларни бартараф қилинишига боғлиқ бўлади. Агар кучли қўзғатувчи факторлар кучи пасайтирилса, у нейрогуморал системасига ва организмнинг умумий ҳолатига таъсир қиладди. Бу эса организмнинг умумий ҳолатини яхшилайдди ва жароҳатни номал битишини таъминлайди. Шунинг учун жароҳатни фақат маҳаллий бўзилиш деб қарамаслик керак, балки бунда озми кўпми бутун организм қатнашади. Шунинг учун жароҳат процессини жароҳат касаллиги деб қараш керак. Бундан шу нарсани келиб чиқадики, жароҳатни даволаш фақат маҳаллий бўлмасдан балки умумий бўлиши керак. (Кузнецов Т.С. , 1980; Шакалов К.И. , 1981; В.В.Плахотин 1997; К.И.Шакалова , 1988г; И.А.Калашников 1988 г)

Итларнинг йирингли жароҳатларининг келиб чиқиши турли хил механик шикастланишлар ва уларнинг асорати бўлиб, иккиламчи патологик жараён сифатида ривожланиб хизмат итлари боқиладиган ва кўпайтириладиган кинология питомникларида катта иқтисодий зарар етказди.

Юқорида кўрсатилган маълумотларга асосланган ҳолда, итлар орасида учрайдиган йирингли жароҳатларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, даволаш ва олдини олиш чора - тадбирларини янги замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Итларда йирингли жароҳатларни келтириб чиқарувчи омиллар ва уларни кечишидаги ўзига хос хусусиятларни ўрганиш борасидаги ва йирингли жароҳатларни учраш даражасига оид илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида қошидаги ветеринария клиникасида, институт виварийсида, Шаҳар ветеринария бўлимида, Вилоят патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида сақланаётган хизмат итларида 2012-2014 йилларда ўтказилди.

Дастлаб вилоятимизда итлар орасида йирингли жароҳатлар билан касалланиш даражаси ўрганилди. Итлар орасида йирингли жароҳатларни келтириб чиқарувчи минтақавий хусусиятларга эга бўлган омилларни ўрганиш ва ташхис усулларини ишлаб чиқиш мақсадида режали хирургик диспансерлаш ўтказилди. Режали диспансерлаш йилига икки марта ўтказилади. Бунда итларнинг сақлаш ва озикланиш шароитлари, рацион таҳлили, клиник текширишлар, қон намуналарини лаборатор текширишлар ёрдамида итларда йирингли жароҳатлар билан касалланиш даражаси, клиник касал итлар миқдори аниқланди. Клиник текширишларда итларнинг умумий аҳволи, иштаҳаси, кўз шиллиқ пардаларнинг ҳолати, тана ҳарорати, пульси, нафас олиши, уларнинг танасида ҳосил бўлган йирингли жароҳатларнинг характери, оғриқ сезиш натижалари аниқланди. Итлар

орасида йирингли жарохатлар билан касалланган итларда касалликнинг этиопатогенезини ўрганиш мақсадида касалланган итлар ажратилиб, клиник, бактериологик, тамға олиш усулларидадан фойдаланилди.

Текширишлар натижасида итларда учрайдиган йирингли жарохатлари механик шикастланишлар ва уларнинг асорати сифатида ривожланиши маълум бўлди.

-жадвал

т/ р	Ташкилотлар	Текширилган ва йирингли жарохатлар билан касалланган итлар сони				Ўртача	
		2012 йил		2013 йил			
		сони	%	сони	%	сони	%
1	Хирургик клиника	134/14	10,4	143/12	8,3	277/26	9,3
2	Шаҳар вет.бўлими	119/11	9,2	123/11	8,9	242/22	9,1
3	ВилоятППХ ва ЖТСБ кинология хизмати хизмат итлари питомниги	78/6	7,6	82/8	9,7	160/14	8,7

Эслатма: жадвалдаги сонларнинг суръатида ҳайвонларнинг умумий сон, махражиди эса касал ҳайвон сони берилган.

Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлик ва фармокологияси кафедрасининг клиникасида 2012 йилда қабул қилинган 134 бош итлар клиник текширилганда уларнинг 14 таси (10,4%) йирингли жарохат билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 143 бош итлар текширилганда 12таси (8,3 %) йирингли жарохат билан касалланганлиги маълум бўлди. (-жадвал)

Шаҳар ветеринария бўлимида 2012 йилда қабул қилинган 119 бош итлар клиник текширилганда, уларнинг 11 таси (9,2%) йирингли жароҳат билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 123 бош итлар текширилганда, 11таси (8,9 %) йирингли жароҳат билан касалланганлиги қайд қилинди.

Вилоят патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида 2012 йилда қабул қилинган 78 бош итлар клиник текширилганда уларнинг 6 таси (7,6%) йирингли жароҳат билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 82 бош итлар текширилганда, 8 таси (9,7%) йирингли жароҳат билан касалланганлиги аниқланди.

Касалланган итлар клиник текширилганда уларнинг жароҳати атрофида маҳаллий ҳарорат кўтарилган, шиш ва оғриқ бор. Жароҳат ичидан суюқ йиринг оқиб турибди. Жароҳат четларида ўлган тўқималар бор, у ерда йиринг кўпроқ тўпланган, итлар юрганда жароҳатланган оёғини кўтариб юради.

2.4. Итларда йирингли жароҳатларни даволашни такомиллаштириш.

Тажрибалар олти бош итда олиб борилди. Бунинг учун итларнинг сон областига сунъий равишда жароҳат ҳосил қилинди. Итларда ҳосил қилинган жароҳатларда йиринг ҳосил бўлгандан кейин даволаш муолажалари қўлланилди. Бунда итлар икки гуруҳга ажратилиб, алоҳида - алоҳида сақланди.

Биринчи назорат гуруҳ ҳайвонлари жароҳатлари механик тозаланиб, атрофига 5 % ли йод эритмаси суркалди, жароҳат ичи 1:5000 нисбатдаги фурациллин эритмаси билан ювилиб, қуритилиб, Вишневский линименти суртилди, сўнгра жароҳат атрофига 500000 ТБ пенициллин, 0,5 % ли новокаинда эритилиб инъекция қилинди.

Худди шундай иккинчи тажриба гуруҳ ҳайвонларининг ҳам жароҳатларига механик ишлов берилиб, жароҳат атрофига 5 % ли йод

эритмаси суркалди. Жароҳат ичи 1:5000 нисбатдаги фурациллин эритмаси билан ювилиб, қуритилиб, жароҳатнинг гидротация даврида Вишневский малҳами суртилди, сўнгра жароҳат атрофига 500000 ТБ пенициллин, 0,5 % ли новокаинда эритилиб инъекция қилинди. Жароҳатнинг иккинчи дегидротация даврида левамикол линименти суртилди. Даволаш муолажалари кунига 1 марта қўлланилди.

Тажрибаларнинг бошида ва тажрибаларнинг 5-10-15 ва 25-кунларида ҳайвонлардан қон олиниб, морфологик кўрсаткичлари бўйича текширилиб борилди.

2.4.1. Жароҳатдаги клинικο-морфологик ўзгаришлари .

Тажрибагача тажрибадаги I ва II гуруҳ ҳайвонлари клиник кўриқдан ўтказилганда жароҳат атрофи қон аралаш йиринг билан қопланган. Жароҳатдан йиринг оқиб турганлиги, жароҳат атрофида маҳаллий ҳарорат, оғриқ ва шиш борлиги қайд қилинди. Жароҳат ичи эса қон аралаш йиринг билан тўлганлиги аниқланди. Итларнинг умумий ҳолати ўртача, юрганида кесилган оёғини кўтариб олиб оқсаб юради.

Тажрибадаги I ва II гуруҳ ҳайвонлари клиник кўриқдан ўтказилгандан кейин, уларга белгиланган даволаш муолажалари ўтказилди. Даволаш муолажалари қўлланилганидан кейин, ҳайвонлар яна қайта клиник кўриқдан ўтказилди. Бунда I ва II гуруҳ ҳайвонларида тажрибанинг 5 - кунигача жароҳатнинг клинικο – морфологик ўзгаришлари деярли бир хил бўлганлиги қайд қилиниб, жароҳат атрофида маҳаллий ҳарорат кўтарилганлиги, шиш ва оғриқ сақланиб қолганлиги кузатилди. Жароҳат ичида йиринг камайган бўлсада, аммо жароҳатдан озроқ суюқ йиринг оқиб турибди. Жароҳат четларида ўлган тўқималар сақланиб қолган бўлиб, у ерда йиринг кўпроқ тўпланган, итлар юрганда жароҳатланган оёғини авайлаб кўтариб юради.

Тажриба давомида биринчи гуруҳ ҳайвонлари жароҳатида тажрибанинг 5-куни жароҳатдан йиринг оқиши давом этаяпти, жароҳат атрофида оғриқ, шиш ва маҳаллий ҳарорат бор. Жароҳат ичида йиринг камайган.

Итлар юрганида олдинги оёғини кўтариб авайлаб оқсаб юради. Тажрибанинг 15-куни жароҳат ичида йиринг қолмаган, жароҳат суюқлиги оқиб турибди. Жароҳат атрофида оғриқ, шиш ва маҳаллий ҳарорат сезиларли даражада пасайган. Итлар олдинги оёғини кўтариб, секин ерга қўйиб юради. Жароҳат ичида грануляцион тўқима ўса бошлаган, итларнинг тана ҳарорати, нафас олиши, пульси нормада. Тажрибанинг 20-куни жароҳат ичи грануляцион тўқима билан тўлган, иккиламчи тортилиш билан битаяпти, озроқ жароҳат суюқлиги оқиб турибди. Жароҳат четларида эпителизациянинг концентрик чандиқ ҳосил бўлиши кузатилмоқда. Тўлиқ чандиқ ҳосил бўлиши 25-кунга бориб кузатилди

Тажриба давомида иккинчи гуруҳ ҳайвонлари жароҳатида тажрибанинг 5-куни жароҳатдан йиринг оқиб турибди, жароҳат атрофида оғриқ, шиш ва маҳаллий ҳарорат бор. Жароҳат ичида йиринг камайган. Итлар юрганида жароҳатланган оёғини кўтариб юради. Тажрибанинг 10-куни жароҳат ичида озроқ йиринг бор, ундан озроқ йиринг оқиб турибди. Жароҳат атрофида яллиғланиш, оғриқ, шиш ва маҳаллий ҳарорат сезиларли даражада пасайган. Итлар олдинги оёғини секин ерга қўйиб, яна кўтариб юради. Жароҳат ичида бинафша рангда грануляцион тўқима ўсиб келаяпти. Итларнинг тана ҳарорати, нафас олиши ва пульси нормада. Тажрибанинг 15-куни жароҳат ичи грануляцион тўқима билан тўлган, иккиламчи тотилиш билан битаяпти, озроқ жароҳат суюқлиги оқиб турибди. Жароҳат ичида эпителизациянинг концентрик чандиқ ҳосил бўлиши кузатилмоқда. Тажрибанинг 20-куни жароҳат юзаси эпителизация билан қопланган ва чандиқ ҳосил бўлган.

**Тажриба давомида биринчи назорат гуруҳ ҳайвонлари
жароҳатидаги клинико-морфологик ўзгаришлари .**

-жадвал

Тажриба кунлари	Клинико-морфологик ўзгаришлари
--------------------	--------------------------------

Тажрибагача	Жароҳат атрофи қон аралаш йиринг билан қопланган. Жароҳатдан йиринг оқиб турибди, жароҳат атрофида маҳаллий ҳарорат, оғриқ ва шиш бор. Жароҳат ичи йиринг билан тўлган. Итларнинг умумий ҳолати ўртача, юрганида кесилган оёғини кўтариб юради.
Тажрибанинг 5-куни	Жароҳатдан йиринг оқиб турибди, жароҳат атрофида оғриқ,шиш ва маҳаллий ҳарорат бор. Жароҳат ичида йиринг камайган. Итлар юрганида олдинги оёғини кўтариб юради.
Тажрибанинг 10-куни	Жароҳатдан йиринг озроқ оқиб чиққан. Жароҳат ичида озроқ йиринг бор, жароҳат атрофида оғриқ, шиш ва маҳаллий ҳарорат озроқ пасайган. Итлар юрганида олдинги оёғини кўтариб, секин ерга қўйиб юради.
Тажрибанинг 15-куни	Жароҳат ичида озроқ йиринг қолмаган, жароҳат суюқлиги оқиб турибди. Жароҳат атрофида оғриқ,шиш ва маҳаллий ҳарорат сезиларли даражада пасайган. Итлар олдинги оёғини кўтариб, секин ерга қўйиб юради. Жароҳат ичида грануляцион тўқима ўса бошлаган, итларнинг тана ҳарорати, нафас олиши, пульси нормада.
Тажрибанинг 20-куни	Жароҳат ичи грануляцион тўқима билан тўлган, иккиламчи тотилиш билан битаяпти, озроқ жароҳат суюқлиги оқиб турибди. Жароҳат четларида эпителизациянинг концентрик чандиқ ҳосил бўлиши кузатилмоқда. Тўлиқ эпителизация чандиқ ҳосил бўлиши 25-кунга бориб кузатилди
Тажрибанинг 25-куни	Тўлиқ эпителизация чандиқ ҳосил бўлиши кузатилди

**Тажриба давомида иккинчи тажриба гуруҳ ҳайвонлари жароҳатидаги
клинико-морфологик ўзгаришлари.**

-жадвал

Тажриба кунлари	Клинико-морфологик ўзгаришлари
--------------------	--------------------------------

Тажрибаг ача	Жароҳат атрофи қон аралаш йиринг билан қопланган. Жароҳат атрофида маҳаллий ҳарорат, оғриқ ва шиш бор. Жароҳат ичи йиринг билан тўлган ва ундан йиринг оқиб турибди. Итларнинг умумий ҳолати ўртача, юрганида кесилган оёғини кўтариб юради.
Тажрибан инг 5-куни	Жароҳатдан йиринг оқиб турибди, жароҳат атрофида оғриқ,шиш ва маҳаллий ҳарорат бор. Жароҳат ичида йиринг камайган. Итлар юрганида жароҳатланган оёғини кўтариб юради.
Тажрибан инг 10-куни	Жароҳат ичида озроқ йиринг бор, ундан озроқ йиринг оқиб турибди.Жароҳат атрофида яллиғланиш, оғриқ, шиш ва маҳаллий ҳарорат сезиларли даражада пасайган. Итлар олдинги оёғини секин ерга қўйиб, яна кўтариб юради. Жароҳат ичида бинафша рангда грануляцион тўқима ўсиб келаяпти.Итларнинг тана ҳарорати, нафас олиши ва пульси нормада.
Тажрибан инг 15-куни	Жароҳат ич Жароҳат ичи грануляцион тўқима билан тўлган, иккиламчи тотилиш билан битаяпти, озроқ жароҳат суюқлиги оқиб турибди. эп ителизациянинг концентрик чандик ҳосил бўлиши кузатилмоқда.
Тажрибан инг 20-куни	Жароҳат юзаси эпителизация билан қопланган ва чандик ҳосил бўлган.

Йирингли жароҳатдаги микроорганизмларга қарши Вишневский малҳамининг таъсири левамикол линиментига нисбатан фаоллиги тажрибаларда исботланди. Йирингли жароҳатларни гидратация Вишневский малҳами ва дегидратация даврида левамикол линиментини қўллаш амалий ва илмий аҳамиятга эга.

Йирингли жароҳатларни даволашда, жароҳатнинг гидротация даврида грануляцион тўқима ўсгунча Вишневский линименти, сўнгра левамикол линименти қўлланилса, жароҳатни даволаш муддати 5 кунга қисқариши аниқланди.

2.4.2.Қоннинг морфологик кўрсаткичлари.

Тажрибагача тажрибадаги I назорат ва II тажриба гуруҳ итлари клиник кўриқдан ўтказилганда жароҳат тажрибаларнинг бошидаги клиник, физиологик ва гематологик кўрсаткичларда деярли фарқлар кузатилмади, яъни барча гуруҳдаги ҳайвонларда йирингли жароҳатларга хос клиник белгилар кузатилган бўлса, даволаш давомида фақатгина назорат гуруҳидаги итларда йирингли жароҳатларга хос белгилар: жароҳат атрофида маҳаллий ҳарорат кўтарилганлиги, шиш ва оғриқ сақланиб қолганлиги кузатилди. Жароҳат ичида йиринг камайган бўлсада, аммо жароҳатдан озроқ суяк йиринг оқиб турибди. Жароҳат четларида ўлган тўқималар сақланиб қолган бўлиб, у ерда йиринг кўпроқ тўпланган, итлар юрганда жароҳатланган оёғини авайлаб кўтариб юради.

Даволашнинг 10-15-кунларига келиб иккинчи тажриба гуруҳидаги ҳайвонларда, яъни жароҳатнинг гидротация даврида грануляцион тўқима ўсгунча Вишневский линименти, сўнгра левамикол линименти қўлланилган гуруҳдаги итларда бу клиник белгилар деярли кузатилмади.

5 – жадвал.

Тажрибадаги биринчи гуруҳ итларнинг қонидаги морфологик кўрсаткичлар.

№	Кўрсаткичлар	Биометрик кўрсаткич	Тажриба бошида	Тажриба кунлари			
				5	10	15	25
1	Эритроцитлар	$m \pm m$	$4,6 \pm 0,01$	$5,1 \pm 0,03$	$5,5 \pm 0,03$	$5,7 \pm 0,01$	$5,1 \pm 0,1$
	млн\мкл	%	100	110,8	119,5	123,9	110,8
2	Лейкоцитлар	$m \pm m$	$7,0 \pm 0,1$	$8,1 \pm 0,1$	$9,2 \pm 0,8$	$9,1 \pm 0,3$	$7,6 \pm 0,02$
	минг\мкл	%	100	115,7	131,4	130,0	108,5
3	Гемоглобин	$m \pm m$	$9,0 \pm 1,3$	$12,0 \pm 1,2$	$13,0 \pm 1,0$	$13,1 \pm 1,3$	$11,0 \pm 1,1$
	Г/л	%	100	133,3	144,4	145,5	122,2
4	Лимфоцит	$m \pm m$	$37 \pm 0,8$	$39 \pm 1,0$	$41 \pm 0,5$	$37 \pm 0,3$	$29 \pm 0,5$
	%	%	100	105,4	110,8	100,0	78,3

6 – жадвал.

Тажрибадаги иккинчи гуруҳ итларнинг қонидаги морфологик кўрсаткичлар.

№	Кўрсаткичлар	Биометрик кўрсаткич	Тажриба бошида	Тажриба кунлари			
				5	10	15	25
1	Эритроцитлар	$m \pm m$	$4,4 \pm 0,02$	$5,4 \pm 0,01$	$5,8 \pm 0,1$	$5,1 \pm 0,03$	$4,2 \pm 0,1$
	млн\мкл	%	100	122,7	131,8	115,9	95,4
2	Лейкоцитлар	$m \pm m$	$6,9 \pm 0,1$	$8,3 \pm 0,2$	$9,5 \pm 0,4$	$7,5 \pm 0,3$	$7,0 \pm 0,02$
	минг\мкл	%	100	118,5	135,7	107,1	101,0
3	Гемоглобин	$m \pm m$	$87 \pm 1,4$	$100 \pm 1,5$	$120 \pm 1,0$	$95 \pm 1,3$	$90 \pm 1,2$
	Г/л	%	100	114,9	137,9	109,1	103,4
4	Лимфоцит	$m \pm m$	$38 \pm 0,8$	$40 \pm 1,0$	$41 \pm 0,7$	$41 \pm 0,4$	$43 \pm 0,7$
	%	%	100	105,2	107,8	107,8	108,2

Тажрибаларнинг бошида ва тажрибаларнинг 5-10-15 ва 25-кунларида ҳайвонлардан қон олиниб, морфологик кўрсаткичлари бўйича текширилиб борилди. Даволашнинг бошида иккала гуруҳ йирингли жароҳат билан касалланган ҳайвонлар қонининг морфологик кўрсаткичларида айтарли фарқлар кузатилмади.

Анъанавий усулда даволанаётган назорат гуруҳидаги итлар қонидаги гемоглобиннинг концентрацияси ва эритроцитлар сони даволаш давомида айтарли ўзгармади, яъни эритроцитлар сони тажрибанинг 5-чи кунига 10,8% га, гемоглобин концентрацияси эса 33,3 % га ошганлиги қайд қилинди. Лейкоцитлар сони даволашнинг 5-кунига 15,7 % га, лимфоцитлар сони эса атиги 5,4 % га кўпайганлиги кузатилди. Даволашнинг 10-чи кунига келиб эритроцитлар 19,5 % га, лейкоцитлар сони 31,4 % га, гемоглобин миқдори эса 44,4 % га, лимфоцитлар эса 10,8 % га ошганлиги намоён бўлди. Тажрибанинг 15-кунига келиб эса эритроцитлар сонининг дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 23,9 % га, лейкоцитлар сони 30 % га, гемоглобин концентрацияси 45,5 % га кўпайган бўлса, лимфоцитлар фоизи эса ўзгармади. Бу кўрсаткичлар назорат гуруҳидаги ҳайвонларда йирингли яллиғланиш жараёнининг кучайиб боришидан далолат беради.

Даволашнинг 25-кунига келиб эса бу гуруҳдаги ҳайвонлар қонида қоннинг морфологик кўрсаткичларининг озроқ камайганлиги кузатилиб, бунда эритроцитлар сони дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 10,8 % га, лейкоцитлар сони 8,5 % га, гемоглобин концентрацияси 22,2 % га кўпайганлиги, лимфоцитлар фоизи эса 21,7 % га камайганлиги кузатилди. (2-жадвал).

Жароҳатнинг гидротация даврида грануляцион тўқима ўсгунча Вишневский линименти, сўнгра левамикол линименти қўлланилган иккинчи тажриба гуруҳидаги ҳайвонлар қонининг морфологик кўрсаткичлари дастлабки кўрсаткичларга нисбатан даволашнинг 5-чи кунига эритроцитлар сонининг ўртача 22,7 % га, даволашнинг 10-чи кунига 31,8 % га, 15-чи

кунида 15,9 % га ошганлиги ва 25 чи кунига келиб эса 4,6 % камайганлиги қайд этилган бўлса, гемоглобин концентрацияси даволашнинг 5 - кунида 14,9 % га, 10 – кунида 37,9 % га, 15-кунида 9,1 % га ва 25-кунида 30,4 % га кўпайиши аниқланди. Бу гуруҳда даволанаётган ҳайвонларда лейкоцитлар сонининг ва лимфоцитлар фоизининг физиологик меъёр чегарасида кўпайиши қайд этилиб, дастлабки кўрсаткичларга нисбатан лейкоцитлар сони даволашнинг 5-кунида 18,5 % га, 10-кунида 35,7 % га. 15-кунида 7,1 % га ва 25-кунида 1 % га ошган бўлса, лимфоцитлар фоизи эса 5-кунда 5,2 % га, 10-кунида 7,8 % га, 15-кунида 5,2 % га ва 25-кунида эса 8,2 % га кўпайганлиги аниқланди, яъни жароҳатнинг гидротация даврида грануляцион тўқима ўсгунча Вишневский линименти, сўнгра левамикол линименти қўлланилганда организм резистентлиги кўрсаткичларига ижобий таъсир этиши даволашнинг дастлабки кунларидаёқ намоён бўлди (3 жадвал).

Юқоридан олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, йирингли жароҳат билан касалланган итларда яъни жароҳатнинг гидротация даврида грануляцион тўқима ўсгунча Вишневский линименти, сўнгра левамикол линименти қўлланилганда яхши натижа берди, яъни биринчи гуруҳдаги ҳайвонларни анъанавий усуллар билан даволаш ўртача 25 кун давом этган бўлса, жароҳатнинг гидротация даврида грануляцион тўқима ўсгунча Вишневский линименти, сўнгра левамикол линименти қўлланилган гуруҳда эса 20 кунни ташкил этди.

Олинган маълумотлардан маълум бўладики, турли хил усулда даволанган ҳайвонларда қоннинг морфологик кўрсаткичларининг турлича бўлиши яъни анъанавий усулларга қўшимча равишда жароҳатнинг гидротация даврида грануляцион тўқима ўсгунча Вишневский линименти, сўнгра левамикол линименти қўлланилган тажриба гуруҳидаги итларда қоннинг морфологик кўрсаткичлари ижобий томонга ўзгарганлиги қайд этилди. Бунда эритроцитлар сонининг даволашнинг 25 чи кунига келиб

4,6 % камайганлиги, гемоглобин концентрацияси 30,4 % га , лейкоцитлар сонининг 1 % га , лимфоцитлар фоизи эса 8,2 % га кўпайганлиги аниқланди.

2.5. Ишнинг иқтисодий самарадорлиги.

Хозирги замонда ветеринария хизмати чорвачиликдан юқори сифатли ва мўл маҳсулот олиш ёки хизмат ҳайвонларини соғлом ўстириш учун йўналтирилиши керак. Ветеринария тадбирларининг самарадорлигини иқтисодий анализ қилиш катта аҳамиятга эга, унинг асосида ҳайвонларнинг касалликларини ва ўлим билан тугайдиган ҳолатларини камайтириш, даволаш ишларнинг самарасини ошириш, касаллик вақтини қисқартириш, чорвачилик, соғлом ҳайвонлар подасини ташкил қилиш ётади.

Ветеринария фаолияти йўналишларининг кўплиги, ветеринария тадбирларининг хартамонлама йўналиши, иқтисодий кўрсаткичлар системасини ташкил қилишини тақозо этади, бу эса ветеринария мутахассислари ишининг самарадорлигини аниқлашга ёрдам беради ва шунинг билан биргаликда ҳайвонларда учрайдиган касалликларга қарши курашиш чора–тадбирларини ишлаб чиқишни асослаб беради.

